

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Fil. 19.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВ РАШИД ФОЗИЛОВИЧ

**«САБОТУЛ ОЖИЗИН» АСАРИНИНГ МАНБАЛАРИ, ШАРҲЛАРИ ВА
ИЛМий-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ
МУАММОЛАРИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Зоҳидов Рашид Фозилович

«Саботул ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари..... 3

Захидов Рашид Фазылович

Проблемы комплексного изучения источников, комментарий и научно-критического текста произведения «Сабатул ажизин»..... 33

Zokhidov Rashid Fazilovich.

Problems of a comprehensive study of sources, commentary and scientific-critical text of the work «Sabatul azhizin»..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 73

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Fil. 19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВ РАШИД ФОЗИЛОВИЧ

**«САБОТУЛ ОЖИЗИН» АСАРИНИНГ МАНБАЛАРИ, ШАРҲЛАРИ ВА
ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ
МУАММОЛАРИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil51 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сирожиддинов Шухрат Самариддинович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович филология фанлари доктори, профессор
	Тўхлиев Боқижон филология фанлари доктори, профессор
	Шодмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 233-45-21 (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тамаддуни ривожда инсоният маънавий меросининг ажралмас қисми ҳисобланган адабий ёдкорликларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Адабий манбаларни қадимий қўлёзмалар асосида ҳар томонлама ўрганишнинг миллат руҳиятини соғломлаштиришга қўшадиган беқиёс ҳиссаси ҳам дунё халқлари тажрибасидан маълум. Мумтоз адабий матнларни эдицион тизимда тадқиқи этиш, хорижда амалга оширилган тажрибаларга специфик ёндашиб, ҳар бир адабий ҳодисани диахроник ва синхроник аспект қоришуви тамойили асосида таҳлил этиш матншунослик ва адабий манбашунослик ривожини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-маънавий ҳаётида кечаётган глобал ўзгаришлар жамиятнинг авангард кучи ҳисобланган зиёли инсонлардан ўз тарихининг хос хусусиятларини бирламчи манбалар асосида ёритишни тақозо қилмоқда. Жумладан, қадим адабий манбаларни қўлёзма нусхалар асосида нашр этиш, уларнинг мукамал илмий изоҳлар, кўрсаткичлар билан таъминланган илмий-танқидий матнларини тайёрлаш, матншунослик ва адабий манбашунослик аспектида янги илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, гуманитар фанлар соҳасида юзага келган қадим илмий мактаблар фаолиятини тадқиқ этиш ҳамда умуминсоний тараққиёт манбаи бўлган илмий анъаналарни замонавий шаклда давом эттириш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Маънавиятимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган бугунги янгиланишлар, хусусан, қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш, мумтоз адабиётимизни бирламчи манбалар асосида изчил ўрганиш жамиятимиздаги ҳар бир онгли инсонда, маънавий меросни чуқурроқ ўрганиш, миллий кадриятларни тиклашдек умумманфаатли ишга ҳисса қўшиш йўлида бурчдорлик туйғусини уйғотди. Ўзбек халқи мустақил тараққиёт йўлини танлаб, ўзининг бой тарихи, беқиёс маънавий хазинаси билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқега эга бўлаётган бир даврда қўлёзма ва тошбосма китоб фондларидаги адабий манбаларни монографик планда комплекс тадқиқ этиш, илмий-танқидий матн тузиш йўлида орттирилган амалий тажрибаларни назарий асосда мустаҳкамлаш зарурати кучайди. Айниқса, бу жараёнда кўп минг йиллик мумтоз адабиётимиз силсиласининг мустаҳкам халқасини ташкил этувчи, бадий-маърифий қиймати юксак «Саботул ожизин» каби асарни комплекс ёндашув асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети»ни ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонларида, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусидаги маърузасида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновцион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари, муайян манба илмий-танқидий матнини яратишда муаллиф ҳаёти ва ижоди, адабий-маърифий ва илмий-назарий қарашлари ҳамда матн герменевтикаси муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Istanbul Üniversitesi (Туркия), University of Washington Press (АҚШ), University of Amsterdam (Нидерландия), University of London (Англия), University of Peshavar (Покистон), Toronto School of Theology (Канада), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети, Бошқирд давлат педагогика университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси тарихи институти (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон матншунослиги ва адабий манбашунослигида Сўфи Оллоёр адабий мероси, хусусан, «Саботул ожизин» асари матнини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида катор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Сўфи Оллоёр биографияси, асарларининг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, жаҳон фондларида мавжуд кўлёзма ва тошбосма нусхалари асосида «Саботул ожизин»нинг табдил вариантлари яратилган (Istanbul Üniversitesi (Туркия), University of Peshavar (Покистон), Бошқирд давлат педагогика университети (Россия), умуминсоний интеллектда Шарқ тафаккур тарзи, хусусан, тасаввуфни таълим ва фалсафа мақомида ўрганиш, тасаввуф таълимоти асослари, тасаввуфнинг тармоқланиш сабаблари очиқ берилган; турли ижтимоий ва

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <https://www.tst.edu/>, <http://kpfu.ru/>, <https://bspu.ru/>, www.kaznu.kz, www.ivran.ruhttp://elm/az/http://elm/az/, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

психологик омиллар билан боғлиқ бу ҳолат адабий матнларга муносабат ва талқин масаласида янгича назарий-методологик ёндашувлар тизимини белгилаган (University of Washington Press (АҚШ), University of Amsterdam (Нидерландия), Toronto School of Theology (Канада), Istanbul Üniversitesi (Туркия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), мумтоз адабий манбалар тадқиқида эдицион методнинг афзалликлари, ишончли матнни тиклашда герменевтиканинг аҳамияти, илмий-танқидий матнни тайёрлашда илмий кўрсаткичларнинг ўрни аниқланган (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия), Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси тарихи институти (Озарбайжон) Самарқанд давлат университети); мумтоз адабий манбаларга оид тадқиқотларнинг ишончли илмий-танқидий матн асосида қилинганда фундаментал тадқиқот даражасига етиши асосланган (Istanbul Üniversitesi (Туркия), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи).

Дунё матншунослиги ва адабий манбашунослигида муайян адабий манбани комплекс ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тасаввуф тариқатлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш; муаллиф шахси ва унинг асарига тааллуқли масалаларни ижтимоий омиллар билан боғлиқликда очиқ бериш; муайян мумтоз адабий манбанинг илмий-танқидий матнини тўла илмий кўрсаткичлар асосида тавсифлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги ва матншунослигида Сўфи Оллоёр шахси ва унинг «Саботул ожизин» асари билан боғлиқ илмий изланишлар тасаввуф адабиётини ўрганиш контекстида олиб борилган. Тасаввуф таълимоти билан шуғулланувчи олимлар Сўфи Оллоёрни XVII-XVIII аср Мовароуннаҳр тасаввуф адабиётининг бир вакили сифатида танийди. Жумладан, «Саботул ожизин» асари ва унинг шарҳи билан боғлиқ тадқиқотлар², тасаввуф таълимоти ва анъаналари ўрганилган илмий мақолаларда³ айна хусусиятлар баён этилган.

«Саботул ожизин»нинг ўрганилиш тарихини шартли икки даврга: XIX–XX асрларда қилинган ишларни қамровчи илк давр ва мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларни ўз ичига олувчи замонавий даврга ажратиш мумкин. Илк давр тадқиқотлари «Саботул ожизин» матнининг айрим қисмларига изоҳ ва тўла шарҳлар шаклидадир. Матннинг қўлёзма нусхаларни кўпайтириш жараёнида айрим сўзлар, баъзан байтлар ҳошияда изоҳлаб кетилган. Бу ҳол XIX аср тошбосма нусхаларида кўпроқ кузатилади. Шунингдек, бу даврда «Саботул ожизин»нинг илк тўла шарҳлари – «Рисолаи Азиза», «Иршодул оъизин», «Ҳидоятут толибин» китоб ҳолида нашр қилинган. Замонавий давр тадқиқотлари матнни қўлёзма ва тошбосма

² Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. –Казань, 2008. –30 с; Ильясова Г.Р. Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и «Рисала-и Газиза»Т.Ялсыгулова: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Уфа, 2009. –35 с

³ Қаранг: Abid Nazar Mahdum. On the sources of Sebätul-äcizin by Sufi Allayar. Türkiyat Mejmuasi, C.21/Güz, 2011; Michael Kemper. Islamic Studies in Honor of Stefan Reichmuth. –University of Amsterdam, 2017.

нусхалар асосида турли ҳажмдаги муқаддималар билан нашр қилиш, шарҳлаш, шунингдек, адабиётшунослик, тилшунослик йўналишида таҳлил қилиш орқали амалга оширилган.

Сўнги йилларда бу борада кенг, кўламли ишлар қилинди: «Саботул ожизин» асари аслият асосида эски ўзбек имлосидан табдил қилиниб, бир неча марта нашрдан чиқди.⁴ Асарнинг «Рисолайи Азиза» ва «Ҳидоятут толибин» номли шарҳлари, форс тилида битилган «Маслакул муттақин» асари таржимаси чоп этилди,⁵ адабиётшунослик ва тилшуносликда Сўфи Оллоёр ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар юзага келди.

Мазкур ишлар Сўфи Оллоёр ижоди ҳақида муайян тасаввур пайдо қилади, аммо адиб шахсини, унинг илмий-адабий меросини бутун моҳияти билан англаш учун етарли эмас. Уларда ижодкорнинг таржимаи ҳолига оид ишларда изчиллик, аниқлик, яхлитликдан кўра биринчи учраган, текширилмаган, кўпинча тахминларга асосланган, ўзаро боғланмаган, тарқоқ хабарлар баёни кўзга ташланади. Асарлари тадқиқида эса асосий эътибор ижтимоий-ахлоқий масалалар доирасида чегараланиб қолган. Олим, мумтоз сўз устаси Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асари то XX аср бошларигача мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, бошланғич таълим жараёнида соғлом эътиқодни шакллантириш дастури ўлароқ эътироф этилган. Мазкур асар бўйича амалга оширилган ишларни холис баҳолаб, хулоса қилиш мумкинки, эндиликда айни мавзу матншунослик ва адабий манбашуносликнинг умумий қонуниятлари, асрлар давомида йиғилган бой тажрибалари асосида комплекс ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва матншунослик илмининг назарий-амалий муаммолари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид манбалар, адабий мероси, хусусан, «Саботул ожизин» асарининг илмий-бадиий қиймати ва герменевтикасини комплекс таҳлил этиш орқали унинг ишончли илмий-танқидий матнини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбаларининг ишончлилиқ даражасини аниқлаш ва биографик маълумотларни тарихий асосда очиб бериш;

⁴ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. // Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид. – Тошкент, Чўлпон, 1991.–Б.127. Сўфи Оллоёр. Сабот ул–ожизин. // Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим. – Тошкент, Меҳнат, 1991.–Б.95. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. // Нашрга тайёрловчи: Рашид Зоҳид. – Тошкент, Санъат журнали нашриёти, 2007. –Б.155.

⁵ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Шарҳи билан манзума. // Нашрга тайёрловчилар: Афзалов Зокирхон Ҳожи Шокирхон ўғли, Камола Ғаффор кизи. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 1997.–Б.215. Тожуддин Ёлчикул. Рисолайи Азиза. // Тузувчи: Б.Ҳасан. –Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.–Б.255. Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин. // Таржимон: Кўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли; нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2007.–Б.415. Ҳабибуллоҳ ибн Сайид Яҳёхон. Ҳидоят ут-толибин. // Нашрга тайёрловчи: О.Алимов. – Тошкент, Тошкент ислом университети, 2009.–Б.313.

адиб илмий-адабий меросини эдицион тадқиқ тизимида комплекс ўрганишнинг афзаллигини асослаш;

«Саботул ожизин» шарҳларининг ички тузилиши ва герменевтикасини қадим шарҳ илми анъаналари негизида қиёсий баҳолаш;

ишончли матнни тиклашнинг силсилавий тизимини яратиш;

тадқиққа тортилган қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг шартли хронологик нисбатини аниқлаш;

илмий-танқидий матннинг аслият ва жорий имлодаги вариантларини яратиш;

танқидий матннинг турли изоҳли кўрсаткичлар билан таъминланган мукамал илмий аппарати юзасидан назарий ва амалий умумлашмалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Саботул ожизин» асарининг мамлакатимиз ва жаҳон қўлёзма фондларидаги манбалари, турли нашр вариантларидаги изоҳлар ҳамда шарҳ китоблари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Сўфи Оллоёр ва унинг асарлари биографиясини тиклаш, «Саботул ожизин»нинг герменевтик тадрижини кўрсатиш ҳамда илмий-танқидий матн муаммоларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда статистик, қиёсий-тарихий, герменевтик ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сўфи Оллоёр биографиясига оид манбаларнинг «Тухфатул аҳбоб» тазкирасидаги маълумотларга қиёсан олинган ишончлилик нисбати аниқланган;

«Саботул ожизин» асарининг уч асрлик ўрганилиш тарихида миқдор ва сифат кўрсаткичининг ўзаро нисбати хронологик тизимда очиб берилган;

Сўфи Оллоёрнинг таваллуди 1663-йил, вафот санаси 1724-йил экани «Тухфатул аҳбоб» (XVII аср) ва «Махазинут тақво» (XVIII аср) манбаларидаги тарихий маълумотлар асосида исботланган;

«Тухфатут толибин» Сўфи Оллоёр асари эмас, балки «Муродул орифин»да келтирилган байтларининг шарҳи ва муаллифи Абдулқайюм ибн Абдулқарим Хусайний экани асосланган;

«Саботул ожизин» нашрларининг шарқий Европадан Марказий Осиёгача тарқалган шартли географик ҳудуди аниқланган;

«Саботул ожизин» герменевтикасининг тафсир, ҳадис, шарҳ илми анъаналарига боғлиқ тарихий илдизлари очиб берилган;

«Саботул ожизин» байтлари Қуръоннинг бетакрор фасоҳати ва балоғати завқида шакллангани, бадиияти иъжоз мақомига кўтарилгани назарий асосланган;

«Саботул ожизин»нинг ишончли матни етакчи қўлёзмадан механик равишда нусха кўчириш йўли билан эмас, балки мантикий далиллаш орқали юзага чиқиши исботланган;

«Саботул ожизин»га тузилган тўла илмий кўрсаткичнинг конструктив мустаҳкамлиги ва таркибий жиҳатдан бойлиги танқидий матннинг аниқлигини таъминловчи бош омил экани очиб берилган;

тўла илмий кўрсаткич ва мингдан ортиқ сўзлик луғат билан таъминланган илмий-танқидий матн яратилган.

Диссертациянинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

мумтоз адабий манбаларнинг адабий манбашунослик ва матншунослик контекстидаги фундаментал тадқиқи ўзаро боғлиқ уч муаммо – муаллиф дунёқараши, манба йўналиши ва матн аниқлигини комплекс ўрганиш асосида олиб борилишининг афзаллиги ҳақидаги илмий-назарий қараш илгари сурилган;

«Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёнида тўпланган илмий тажрибаларга суяниб, ЎзРФАШИ фондида сақланаётган, турли даврларда кўчирилган 94 та қўлёзма, 61 та тошбосма ва шахсий кутубхоналарда мавжуд матнларни ўзаро қиёслаш натижасида асарнинг дастлабки ишончли матни китобхонларга тақдим қилинган;

тадқиқот натижалари асосида «Саботул ожизин» герменевтикасининг тадрижий тарихи давом эттирилиб, тўла илмий кўрсаткичлар ва мукамал изоҳли луғат билан таъминланган янги замонавий шарҳ – «Равойихур райҳон» (60 б.т.)нинг биринчи китоби илмий истифодага киритилган;

диссертацияда фикр юритилган матн тарихини тиклаш билан боғлиқ муаммолар, илмий-танқидий матн тузиш амалиётига оид кўп нусхали қўлёзма ва тошбосма китобларнинг қиёсий-таснифий таҳлили, илмий-маърифий асарларни адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва уларнинг адабий манба сифатидаги мақомини белгилаш тамойиллари каби масалалар ўқув қўлланма шаклида ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Сўфи Оллоёр илмий-ижодий кредосининг муҳим ва таянч нуқталари нафақат тарихий воқелик, балки муаллиф асарлари воқелиги фондида илмий далиллангани, адиб ижодининг марказида турувчи «Саботул ожизин» кейинги тадқиқотлар учун потенциал база экани исботланиб, шу йўл билан адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ҳамда амалий асосларига доир муҳим хулосалар илгари сурилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация материалларининг матншунослик ва адабий манбашуносликка оид назарий қарашларни бойитиши, матн ва талқин масаласининг манбашунослик ва матншунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик ривожигаги ўрнини белгилаши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация материалларидан магистратура ва бакалаврият босқичлари учун матншунослик ва адабий манбашунослик тарихи, матншунослик назарияси, илмий-танқидий матн назарияси бўйича дарсликлар, матн ва талқин муаммолари, хусусан, Сўфи Оллоёр ижоди юзасидан ўқув қўлланмалар яратишда, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли ва илмий-адабий меросини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбаларининг ишончлилик нисбатини белгилаш тизимлари, «Саботул ожизин» асари герменевтикасини қиёсий-хронологик аспектда ўрганиш ва ишончли илмий-танқидий матнни тиклаш бўйича чиқарилган хулосалардан 8Ф-151 «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-03-13/62-сонли маълумотномаси). Сўфи Оллоёр биографияси ва адабий мероси тадқиқи натижалари асосида «Адабиёт энциклопедияси»нинг «Сўфи Оллоёр» мақоласидаги маълумот ва изоҳлар мукаммалаштирилган;

шарҳ илмининг манбавий асослари, текшириш усуллари, илмий тамойиллари билан боғлиқ назарий қарашлардан 8Ф-151 «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-03-13/62-сонли маълумотномаси). Натижада «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасининг 3-жилдидаги мавзуга оид материаллар «Саботул ожизин»нинг ҳар учала шарҳи тадқиқи мисолида бойитилган;

Сўфи Оллоёр биографиясини тарихий асосда илмий тадқиқ этиш, қадим қўлёзма манбаларни илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрлаш, «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба сифатидаги тутган ўрнини белгилаш билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон миллий энциклопедияси (Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. 202, 338, 339, 341, 522-бетлар)ни тайёрлаш жараёнида назарий асос сифатида фойдаланилган («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг 2018 йил 19 январдаги 01–09-сон маълумотномаси). Натижада Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли, адабий меросига оид маълумотлар бўйича муайян хулосаларга келинган ва манбашунослик, матншунослик тушунчалари билан боғлиқ изоҳлар бойитилган;

тадқиқотнинг матншуносликда қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш тамойиллари, аслият ва табдил муаммолари, адабий манба нашрида луғат ва илмий кўрсаткичларни тузиш қоидалари билан боғлиқ маълумотлар ва илмий хулосаларидан Ф1-ФА-055746 «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-03-13/62-сонли маълумотномаси). Натижада кўп нусхали матн тарихини ўрганиш бўйича тақдим этилган жадвал, чизма, диаграммалар музейнинг қўлёзма манбаларга оид қисмини материаллар билан таъминлашда самара берган, «XVI-XVII асрлар ўзбек адабиётининг тадрижий такомил» бўлимини иллюстратив мисоллар билан бойитган;

мажоз, тажнис сингари бадий санъатлар билан боғлиқ илмий хулосалардан Адабиётшунослик луғати (Тошкент: 2010. –159, 162, 268, 301, 302-бетлар)ни тайёрлашда фойдаланилган («Akademnashr» нашриётининг 2018 йил 17 январдаги 28/11/02-сонли маълумотномаси). Натижада бадий санъатларга берилган изоҳлар мукаммаллашган, луғатнинг илмий-оммабоплиги таъминланган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Нафис мажлислар» кўрсатувида «Саботул ожизин»нинг оммалашшида муҳим ўрин тутган поэтик омил – тажнис санъати билан боғлиқ намуналардан, «Одоблар хазинаси» кўрсатувида Сўфи Оллоёрнинг инсоний комилликни тарғиб этувчи байтлар шарҳидан, «Хамсахонлик» ва «Бир байт шарҳи» кўрсатувларида Навоий ва Сўфи Оллоёрнинг ахлоқий қарашларидаги туташ нуқталарни кўрсатувчи ҳикоятлардан, тадқиқотнинг асар воқелигидан, муаллифнинг бош концепциясидан узилиб қолмаслиги билан боғлиқ илмий хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2017 йил 15 январдаги 01-16/20-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган, кўрсатув матнининг илмий-манбавий савияси бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 2 та асосий манба транслитерацияси ва 1 та шарҳ китоби, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва алоҳида жилдда 330 саҳифали иловадан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 240 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқотнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертация «Саботул ожизин» асарининг комплекс тадқиқини ташкил этадиган учта муаммони ҳал қилишга қаратилган: Сўфи Оллоёр ва унинг

адабий мероси биографиясини илмий асосда тиклаш; «Саботул ожизин» шарҳлари тарихини қиёсий-тадрижий аспектда ёритиш; асарнинг илмий кўрсаткичлар билан таъминланган илмий-танқидий матнини тайёрлаш. Ишда бу уч асосий муаммога бевосита алоқадор масала – асарнинг илмий-адабий манба сифатида ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни белгиланган.

Диссертациянинг «**Муаллиф биографияси ва адабий меросининг эдицион тадқиқи**» деб номланган биринчи бобда асосий эътибор мавзуни бирламчи манбалар асосида илмий ёритишга йўналтирилган. Мумтоз адабий манба илмий нашрининг ишончли ва ҳар томонлама мукамаллигини, аввало, манба ёзилган даврдан то сўнгги нашргача давом этган *матн тарихини* тиклаш белгилайди. Адабий манбашунослик ва матншуносликда «эдицион филология»⁶ дея эътироф этиладиган соҳа айна мақсадга қаратилган. Шунга кўра мазкур бобда матн тарихининг ажралмас қисми ҳисобланган муаллиф биографияси ва унинг адабий мероси тарихи масаласи ўзаро боғлиқликда изчил ўрганилган. Бобнинг «Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбалари» фаслида Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли бўйича тадқиқотлардан тадқиқотларга ўтиб келаётган нотўғри маълумотлар Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камолнинг XVII аср охирида ёзилган «Тухфатул аҳбоб» тазкираси ва Мир Ҳусайннинг «Маҳазинут тақво» (XVIII аср охири) каби тарихий манбалар асосида танқидий ўрганилиб, таржимаи ҳол манбаларининг ишончилилик даражаси аниқланган.

Демак, Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий ҳисобда олтмиш уч йил умр кўргани (ҳиж.1073-1136; мил.1663-1724) манбавий асосга эга. Адиб таржимаи ҳоли саналари шунга кўра шакллантирилган. «Тухфатул аҳбоб»да ёзилишича, Сўфи Оллоёр тахминан 1696 йилдан кейин Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ ва Халифа Наврўз Кеший хизматига келиб, мужаддия-нақшбандия сулуки таълимотини ўрганган. У Халифа Наврўз кўрсатмасига кўра, Кеш мадрасаларидан бирида таълим олади. 1699 йилга қадар «Маслакул муттақин» асарини ёзиб тугатади. Шу йили устози Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ вафот этади. Энди айрим манбаларда Халифа Наврўз Кеший, Хожа Лутфуллоҳ, Бобораҳим Машраб, Халифа Жонмуҳаммад каби тарихий шахсларнинг Сўфи Оллоёр билан боғлиқ муносабати акс эта бошлайди. Муаллиф «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин», «Саботул ожизин» каби асарларини 1700–1724 йиллар оралиғида ёзган. Шу даврларда Каттакўрғон, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф, Қоратикан каби шаҳар ва мавзеларда яшаган. Умрининг охириги дамларини эса Вахшивор қишлоғида ўтказиб, 1724 йили оламдан ўтган.

Бобнинг иккинчи фасли «Муаллиф адабий меросининг илмий-монографик тавсифи» деб номланган. Бу ўринда *илмий-монографик тавсиф* ибораси кўлэзма манбаларни каталоглаштириш тизимида қўлланадиган *илмий тавсиф* истилоҳидан фарқланади. Каталогларда берилган илмий тавсиф муайян манба ҳақидаги дастлабки ташқи маълумотларни ўз ичига олади. Ҳатто бирор кўлэзма манба каталогда монографик планда илмий

⁶Омилянчук С.П.Текстология. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/politology>

тавсифланса ҳам, бундай тавсифнинг характери тадқиқ эмас, таништириш мақсадига бўйсундирилади. Диссертацияда *илмий-монографик тавсиф* атамаси орқали манбаларнинг эдицион жиҳатларига диққат қаратилган, тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири бўлган «Саботул ожизин»нинг матн тарихини тиклаш, илмий-танқидий матннинг ишончилигини таъминлашга ёрдам берадиган хусусиятлар ўрганилиб, манбаларда турлича қайд этилган муаллиф адабий мероси юзасидан илмий хулосалар келтирилган, ҳар бир асарнинг мақсади аниқланган, тўла таркибий тузилиши тавсифланган. «Муродул орифин»да Сўфи Оллоёр асарлари қандай кетма-кетликда яратилгани айтилиб: «Дўстлар маслаҳати билан «Маслакул муттақин», сўнг «Саботул ожизин», сўнгра «Махзанул мутеъин» ёзилганидан кейин дин муҳиблари эътиқодга мувофиқ, тасаввуф ва ҳидоят йўли ҳақида бир китоб ёзишимни илтимос қилдилар», – дейди. Демак, «Муродул орифин» адибнинг охириги, тўртинчи китобидир.⁷

Адибнинг бошқа асарлари кўлёмалари фанда маълум бўлгани ҳолда «Махзанул мутеъин» ҳақида яқин-яқингача⁸ «нусхаси топилмаган» деган маълумот билан чекланилган. Диссертацияда биринчи марта бу асар муфассал изоҳланган. «Махзанул мутеъин»да ақоид ва фикҳнинг 30 га яқин мавзулари 40 дан ортиқ манбалардаги айни мавзуга қиёсан ўрганилган, ечимлар ўзаро таққосланган. Маълумки, бу жараён кўпроқ илмий тафаккур измида кечади. Мазкур жараёнда Сўфи Оллоёр билим захираси «Махзанул мутеъин» мисолида тизимга солинган. Натижада асар муаллиф учун таҳсиллий аҳамият касб этган. Форсча «Муродул орифин» ахлоқий комиллик тарғибига оид тасаввуф китобидир. «Саботул ожизин» эса мазмун ва тузилишига кўра ақоид китоби бўлиб, унда ақида масалалари билан бирга соф инсоний фитрат ва ахлоқий фазилатлар гўзал ҳикматлар, ибратли ҳикоятлар орқали васф этилган. Ҳазажи мусаддаси махзуф *мафоилун мафоилун фаулун* (v – – –v – – –v – –) да битилган 1680 байтлик бу асар ҳар бири алоҳида мавзу билан ажралиб турувчи 81 та манзумадан ташкил топган. Асар таркибий тузилишини айрим ташқи ва ички белгиларидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) ақида илмига оид мавзулар баёни; 2) ҳикоятлар; 3) муножотлар; 4) насихатлар.

Биринчи қисмга кирувчи манзумалар сарлавҳаси охирида *баёни* сўзи қўлланиб, бундан бўлимнинг ақида мавзусида экани англашилади. Масалан: *Оллоҳ таолони танимоқ баёни; Имомат баёни; Ажсал баёни* ва ҳоказо. Бу турдаги манзумалар мазмунан тўлиқ ақоид матнларига мувофиқлаштирилган бўлса-да, асар бадиияти сақланган. Ҳикоятларда эса муайян тарихий шахс ҳаётидан ибратли бир парча ривоят услубида назмга солиниб, олдинги бўлим мазмунининг фабуласи сифатида ифодаланган. Муножотлар *Илоҳо* сўзи билан бошланади. Мазкур жанрга оид бошқа асарлардаги каби «Саботул ожизин»даги муножотларда ҳам банданинг Яратувчиси олдидаги

⁷ Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон – Тошкент, Ал-Худо – Мовароуннаҳр, 2005. –Б. 46-47.

⁸ Абдуфаттоҳов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар. / Тўплам. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Техрон, Тошкент, Ал-Худо – Мовароуннаҳр, 2005. –Б.119-122.

масъулияти, тазарруси, кечинмалари бадий талқин этилган. Аксар «Кел...» лафзи билан бошланадиган насихатлар эса дидактик руҳи билан ажралиб туради, уларда «насихат»нинг луғавий маъносидаги хусусият – самимият тўлақонли намоён бўлган.

«Адабий меросининг ўрганилиш хронологиясида миқдор ва сифат нисбати» деб номланган учинчи фаслда Сўфи Оллоёр адабий меросининг икки юз йиллик ўрганилиш тарихи миқдор ва сифат нисбатида хронологик тизимда яхлитлаштирилган. Тадқиқотда «Саботул ожизин»нинг ўрганилиш тарихи шартли равишда *илк давр* (XIX–XX асрлар) ва *замонавий давр* (мустақиллик йиллари)га ажратилган. *Илк давр* тадқиқотлари «Саботул ожизин» матнининг айрим қисмларига изоҳ ва тўла шарҳлар («Рисолаи Азиза», «Иршодул оъизин», «Ҳидоятут толибин») тарзидадир. Иккинчи боб тўла шарҳлар тадқиқига бағишлангани учун мазкур фаслда ҳар учала шарҳнинг таркибий тузилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мухтасар баён қилинган, бу ўхшашлик ва фарқларнинг сабаблари, уларнинг қонуний асослари навбатдаги бобларда тадқиқ қилинишига замин ҳозирланган. *Замонавий давр* тадқиқотлари матнни кўлөзма ва тошбосма нусхалар асосида турли ҳажмдаги муқаддималар билан нашр қилиш, шарҳлаш ва адабиётшунослик, тилшунослик, матншунослик йўналишида ўрганиш орқали амалга оширилган. Замонавий давр тадқиқотларининг кўлами анча кенг бўлгани учун ушбу фаслда уларнинг деярли ҳар бирига мавзу нуқтаи назаридан муносабат билдирилган.⁹ Бу ёндашув шу жиҳатдан ўзини оқлайдики, модомики, диссертациядан кўзланган бош мақсад – ишончли илмий-танқидий матнни тақдим қилиш экан, эдицион тадқиқ тизимига кўра мазкур тадқиқотларнинг ҳар бири икки юз йиллик матн тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Фаслда қайд этилган ҳар бир иш ўзининг ички таркиби ва мақсади билан хронологик силсиланинг бир ҳалқасини ташкил этиб, тадқиқотларнинг умумий кўлами ва миқдори ҳақида аниқ тасаввур берган. Ҳар бир ишга диссертация мавзусидан келиб чиқиб билдирилган муносабатлар эса ўша миқдорнинг сифат билан боғлиқ томонларини очиб

⁹ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин // Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид. – Тошкент: Чўлпон, 1991.–Б.127. Сўфи Оллоёр. Сабот ул–ожизин // Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим. – Тошкент, Мехнат, 1991.–Б.95. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. // Нашрга тайёрловчи: Рашид Зоҳид. – Тошкент, Санъат журнали нашриёти, 2007. –Б.155; Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Шарҳи билан манзума // Нашрга тайёрловчилар: Афзалов Зокирхонхожи Шокирхон ўғли, Камола Гаффор кизи. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 1997.–Б.215; Тожуддин Ёлчиқул. Рисолаи Азиза //Тузувчи: Б.Ҳасан. –Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.–Б.255. Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин // Таржимон: Кўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли; нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2007.–Б.415. Ҳабибуллоҳ ибн Сайид Яхёхон. Ҳидоят ут-толибин // Нашрга тайёрловчи: О.Алимов. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.–Б.313; Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. –Термиз, Жайхун, 1993.–Б.26. Шамсиддин Ҳожи Мухйиддин ўғли. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» китобига изоҳий луғат. – Жалолобод, 1996. –Б.55.Сувонқулов И. Сўфи Оллохёр ва унинг адабий анъаналари. Филол.фан.док-ри. ...дисс.автореф – Тошкент, 1997. –47 б; Зоҳидов Р. «Саботул-ожизин» асари лексикаси. Фил.фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001. –26 б. Аллаёрова Н. «Саботул-ожизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадияти. Филол.фанлари номз. ...дисс. автореф. СамДУ, 2002. –24 б. Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе. Автореф дис....канд.филол.наук. –Казань, 2008. –20 с. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. –Тошкент, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001.–Б.78. Баратова Н. Сўфи Оллохёрнинг бадий-маънавий қарашлари. – Самарқанд: 2002.–Б.78. Сўфи Аллохёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон – Тошкент: Ал-Худо – Мовароуннаҳр, 2005. –Б.127.

берган. Натижада Сўфи Оллоёр адабий меросининг, хусусан, «Саботул ожизин»нинг ўрганилиш тарихида миқдор ва сифат нисбати хронологик тизимда яхлитлашган.

Хулоса шуки, Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳолига оид ишларда изчиллик, аниқлик, яхлитликдан кўра биринчи учраган, текширилмаган, кўпинча тахминларга асосланган, ўзаро боғланмаган, тарқоқ хабарлар баёни кўзга ташланса, асарлари тадқиқида асосий эътибор ижтимоий-ахлоқий масалалар доирасида чегараланиб қолган. Мазкур бобда муаллиф биографияси ва унинг адабий мероси, хусусан, XX аср бошларигача мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, таълим жараёнида соғлом эътиқодни шакллантириш дастури ўлароқ эътироф этилган «Саботул ожизин» асари адабий манбашунослик ва матншунослик илмининг эдицион ёндашув усулида комплекс таҳлилга тортилган ва натижаларнинг тўла баёни диссертация ва «Илова»да келтирилган.

Диссертациянинг «**Саботул ожизин» асари герменевтикаси**» деб номланган иккинчи бобида қўйилган муаммо – «Саботул ожизин» асарининг герменевтик тадқиқи масаласи. Герменевтика тарихига оид аксар ишларда XVIII-XIX асрларда немис олимлари томонидан фундаментал ўрганилган герменевтика таълимоти азалдан Шарқда ҳам мавжуд бўлгани айтилади, бунга тафсиллар мисол қилинади. Лекин айни жараёнда герменевтика янги ҳодиса сифатида ўрганилар экан, бу таълимотнинг қонун-қоидалари тадқиқотчилар тушунчаси доирасида маълум қолип ҳосил қилгани кузатилади. Натижада «герменевтика таълимоти азалдан Шарқда ҳам мавжуд эди» деб эътироф қилингани ҳолда муфассирлик фаолияти ҳам шу қолип асосида баҳоланади¹⁰.

Биз эса айни ҳодисага бошқачароқ ёндашдик. Герменевтикага бошланғич мавзу сифатида эмас, балки аслнинг давоми, ундан тармоқланган бир кўриниш сифатида қарадик. Шунинг учун ҳам иккинчи бобнинг биринчи фасли «Шарҳ илми илдизлари ва анъаналари» деб номланиб, унда шарҳ илмининг тарихи, манбалари ва тадрижий тармоқланиши ўрганилган ва шарҳ илмининг умумий қонуниятлари замонавий талқин назарияси сифатида юзага чиққан герменевтиканинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган, деган хулосага келинган. Диссертацияда шарҳ илмидаги матн интерпретациясининг кўп қирралилиги «Саботул ожизин» шарҳлари мисолида очиб берилган ва асарнинг замонавий шарҳларини яратиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Шарҳ илмининг фундаментал асоси Қуръони карим нузули жараёнида шаклланган. Саҳобалар оятларнинг умумий жиҳатлари ва ҳукмларни тўла англагани ҳолда Қуръоннинг хос ва нозик томонларини фаҳмлашда фарқланган. Чунки саҳобаларнинг барчаси ҳам сўзларнинг маъноси ва

¹⁰ Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми. –Тошкент: Akademiya, 2010, Б.154; Эркинов А.С. Источники интерпретации «Хамса» Алишера Навои в XV–XXвв. Автореф.дис.док-ра.филол.наук. – Ташкент, 1998, С.52. Аллаярова С.Н. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари. Филол.фанлари номз. ...дис.автореф. –Тошкент, 2010. Б.26. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Тошкент, Muharrir. – 2011, Б.86

оятларнинг нозил бўлиш сабабларини бир хил даражада билмаган. Бундай вақтларда бу оятларни Пайғамбар алайҳиссалом тафсир қилиб берган. Расулulloҳнинг вафотидан сўнг айрим саҳобалар оятларни ул зотдан эшитганларига мувофиқ шарҳлаган, тафсир қилган. Вақт ўтиши билан илоҳий Каломни тушуниш йўлида ортирилган бой тажриба инсон аклий меҳнати маҳсули бўлган манбаларга нисбатан ҳам қўлланган. Натижада ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ фанларга оид айрим асарларга ёзилган шарҳлар юзага кела бошлаган. Шарҳ илми шу даражада ривожланганки, битта китоб матнига ўнлаб жилдли шарҳлар битилган, шарҳларга шарҳлар ёзилган. Жумладан, Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавийи маънавий» асари Султон Валад, Аҳмад Афлокий, Фаридун Сипаҳсолор, Шамъий, Сарварий, Шиблий Нўъмонийлар томонидан шарҳланган. Ҳофиз Шерозий девонига ҳам бир неча шарҳлар ёзилган. Булар ичида энг эътиборли шарҳ XVI асрда яшаб ўтган турк олими Судий Баснавий қаламига мансуб. Адабиётшунос Н.Комилов ёзишича, Судий Баснавий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарларини ҳам туркийда шарҳлаган. Ўзбек зиёлилари ҳам луғатлар тузиш ҳамда таржима қилишда бу шарҳлардан фойдаланган. Чунончи, Саъдий асарини «Шавқи Гулистон»¹¹ номи билан ўзбек тилига ўгирган Муродхўжа ибн Солиххўжа ҳошия шарҳида Судийга суянади ва унга ҳаволалар қилади.¹²

Шарҳда шарҳ илми мана шундай тадрижийликда тармоқланиб шаклланган. Ҳар бир тармоқ ўзи ўрганаётган матнга специфик ёндашган бўлса-да, барча турдаги шарҳлар учун умумий, тармоқлараро барқарор қонуниятлар мавжуд эди. Уларни шундай таснифлаш мумкин:

1) *матн қисмларга ажратилган* (масалан, тафсирда – битта оят ёки бир нечта оятлар; ҳадис шарҳида – фарқланувчи ривоятлар; назмда – байтлар, мисралар; насрий асарларда – умумий мазмун силсиласидаги кичик мавзулар; илмий манбаларда – тушунчаларнинг тизимли таснифи);

2) *қисмнинг бутунга муносабати аниқланган* (турли сураларга сочилган, битта воқеликка алоқадор оятларни ёлғиз оят тафсирида жамлаш; ҳадиснинг ҳар хил ривоятларини битта ҳукмда марказлаштириш; байтлараро боғланишларни умумий яхлитликда тадқиқ этиш);

3) *матнга тил тизимидаги ҳодиса сифатида қаралган* (матндаги айрим сўзларнинг фонетик тузилишидан тортиб, гаптаги морфологик, синтактик вазифаларигача, луғавий, истилоҳий, мажозий маънолари-ю, этимологиясигача изоҳланган).

XIX аср Ғарб герменевтикасидаги зарурат ва тасодиф, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодисакаби категориялар Шарҳда минг йил олдин, шарҳ илмининг илк намуналаридаёқ амалда қўлланган. Кейинчалик бу тажриба асарлардан асарларга ўтиб, то бугунгача лозим даражада ўз вазифасини бажарган ва бажармоқда. Мисол учун, Алишер

¹¹ Бу асар 2005 йил «Фан» нашриётида чоп қилинди. (Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ)

¹² Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.182.

Навоий асарларининг ўрганилиш тарихига назар солайлик. *بدائع اللغة* (Ажойиб луғат), «Абушқа», «Санглоҳ», *كتاب لغة الاتراكية* (Туркийлар сўзлиги китоби) луғатларидаги талқинларда, «Хамса» дostonлари асосида Умар Боқий, Маҳзун, Мулла Сиддиқ Ёрқандийнинг насрий қиссаларида, кейинги асрларда яратилган «Хамса» дostonлари насрий баёнларида, Навоий ғазаллари шарҳида мазкур илм қонуниятларининг у ёки бу даражада акс этгани, сўнги юз йилликларда ҳам шарҳ илми анъаналарига издошлик давом этаётгани кузатилади.

Маънавий меросимизнинг муҳим қисмини ташкил қилувчи шарҳ илмига оид манбаларни чуқур ўрганиш бу билимнинг текшириш усуллари, илмий тамойиллари нафақат замонавий адабиётшунослигимиз, балки герменевтика таълимотининг асосчилари бўлган Ғарб олимлари илмий-адабий мезонлари учун ҳам мустаҳкам замин вазифасини ўтагани ҳақидаги хулосага олиб келади.

Бобнинг «Саботул ожизин» шарҳлари» деб номланган иккинчи фаслида асарга ёзилган шарҳларнинг ички тузилиши тадқиқ этилиб, уларнинг асар матнини ўрганишда, хусусан, илмий-адабий қимматини белгилашда тутган ўрни баҳоланган. Маълумки, илмий-танқидий матннинг ишончлилик даражасини белгилашда манбанинг қадимийлиги муҳим омил. 1806 йили ёзилган «Рисолаи Азиза» китоби эса «Саботул ожизин»га ёзилган шарҳларнинг энг қадимийси. Шарҳнинг ёзилиш йили билан Сўфи Оллоёрнинг вафот санаси оралиғи 82 йил. Матн тарихига нисбатан олинса, бу узоқ муддат эмас. Демак, асарнинг тили, ифода ва баён йўллари, муаллифнинг тушунча ва қарашлари замон эътибори билан шарҳловчига анча яқин. Бу яқинлик шарҳда қанчалик акс этган?

Шарҳ илмида манбанинг ёзилиш мақсади ва ундан муаллиф кўзлаган мақсадни аниқлаш шарҳловчининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда бизманба мақсади билан муаллиф мақсадини бежиз ажратмадик. Ҳар қандай соҳага оид манбада ўз мавзуларини тақдим қилиш шакллари мавжуд бўлади. Манбанинг бутун тизим сифатида юзага чиқиши мана шу қатъий белгиланган шакл доирасида кечади. «Қоидага мувофиқ тақдим қилиниш» билан манба мақсади яқунланади. Муаллиф мақсади эса айна нуқтадан бошланади: манба матни ўқувчига қай даражада етиб борди, тўла англандими? Шу маънода «Саботул ожизин» шарҳловчиси Тождуддин Ёлчиқул ўғли байтлар шарҳига манба ва муаллиф мақсадини аниқ англаган ҳолда ёндашган. Шарҳ илми анъанасига кўра, шарҳловчи аввал байтнинг насрий баёнини келтиради, кейин ҳар иккала мисрадан келиб чиққан умумий мазмунни Қуръон ояти билан далиллайди. Сўнгра байтдаги айрим сўзларни луғавий ва мажозий маънолари билан бирга изоҳлайди.

«Рисолаи Азиза»да оят ва ҳадислардаги тарихий қиссалар билан бирга шарҳловчи келтирган ривоятлар воситасидаги талқинлар ҳам учрайди. Бундай ривоятлар ўқувчининг қизиқишини орттириши мумкин бўлса-да, аммо манбанинг ноаниқлиги сабабли далилнинг ишончлилик даражасини пасайтиради. Мазкур шарҳнинг таркибий тузилишини шундай кетма-кетликда таснифлаш мумкин: 1) *байтнинг насрий баёни*; 2) *далиллар* (оят,

ҳадис, тарихий қиссалар асосида); 3) *наҳвий таҳлил* (араб тили грамматикаси асосида); 4) *ривоятлар* (манбаси ноаниқ); 5) *бадиий санъатлар баёни* (асосан, тажнис санъати). Хуллас, «Рисолаи Азиза»да шарҳ илми анъаналарининг изи сезилади, шарҳловчи матнлар изоҳида имкон қадар моҳиятга яқинлашган. Баъзан мавзудан чалғиш, асоссиз маълумотларга суяниш кўринса ҳам, асарни оммалаштиришда бу шарҳнинг аҳамияти катта.

Салоҳиддин Салимийнинг «Иршодул оъзин» (тўлиқ номи: *ارشاد العائدين شرح ثبات العاجزين* «Саботул ожизин» шарҳида муҳтожларга кўрсатма)¹³ китоби, гарчи муаллиф шарҳ деб номласа-да, изоҳли насрий баён характерида, айрим ўринларда байт мазмуни оятлар билан далилланган. Асар матнини ўрганишда бу каби изоҳли насрий баёнларнинг ҳам ўз ўрни бор. Қолаверса, бу манбадан асар учун махсус изоҳли луғат сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

«Саботул ожизин»га ёзилган шарҳлар ичида мукамал, шарҳ илми қоидаларига имкон қадар риоя қилинган асар сифатида «Ҳидоятут толибин» (Илм толибларига йўлланма)ни кўрсатиш жоиз. Муаллиф Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон ал-Фарғоний муқаддимада анча муфассал маълумотлар базасини тақдим этган. Унда мазкур шарҳнинг ёзилиш сабабидан тортиб, Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли, ўзигача қилинган ишлар, «Рисолаи Азиза», Мусо афанди нашрга тайёрлаган нусха ҳақидаги қимматли маълумотларгача баён этилган. Айни шарҳнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда лафзлар ўзаро, мисралараро ва байтлараро боғлиқликда шарҳланган, тушунилиши қийин сўзлар, тажнисда ифодаланган иборалар этимологик, грамматик ва илми бадиъ қоидалари асосида изоҳланган. Матндаги ақидавий, тарихий, ахлоқий масалалар чуқур таҳлил қилинган. Бу асарни бошқа шарҳлардан ажратиб турувчи бош хусусият илмий асоснинг мустаҳкамлигидир. Яна бир афзаллиги эса муайян байт шарҳида аввалги шарҳларга, хусусан, «Рисолаи Азиза»га муносабат билдирилади, саҳву хатолари кўрсатилади.

Умуман, «Саботул ожизин»нинг ҳар учала шарҳи матн мазмунини баён қилиш жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи бирламчи манбалардир. Шарҳ илми анъаналари жиҳатидан «Ҳидоятут толибин» қолган икки асардан афзалроқ. Бунинг сабаблари, асосан, куйидагилар: шарҳ учун танланган матн матншунослик текширувидан ўтказилган; аксар шарҳларда мазмуннинг бирламчи маъноси тўғри топилиб, эътибор шу нуқтага қаратилган; шарҳнинг илмий қимматини манбашунослик фаолияти белгилаган; далил келтиришда зарурий батафсилликка риоя қилинган; шарҳлар таркиби муайян тизимда тузилган; билвосита матн шарҳидан чекинишлар қатъий чегара билан ажратилган (тавжих, тазйил, танбеҳ, танбеҳот, нозим раҳимахуллоҳнинг сўзи каби).

Иккинчи бобнинг учинчи фасли «Саботул ожизин» шарҳларида талқин масаласи» деб аталган. Адабий қоидалар, бадиий воситалар ҳақиқатни мажоз орқали англашни ўргатади. Қачонки мажоз ортидаги ҳақиқат унутилиб,

صلاح الدين السليمي. إرشاد العائدين شرح ثبات العاجزين. مطبعة كريميه. قزان؛ ص: ۱۳۲۸

мажозни ҳақиқат мақомида тушуниш оммалашса, бундай шароитда айна адабий қоидалар ва бадиий воситалар ҳақиқатга қайтиш учун хизмат қилади. Назмни насрий баён қилиш мажбурияти ҳам шундай вазият тақозосидир.

Адаб илмида мумтоз матнларга нисбатан *ал-муъжазул муъжиз* (المعجز) деган ибора ишлатилади. *Ўзи қисқа, ихчам-у лекин муъжизакор* деган маънони ифодаловчи бу ибора бизга нима учун сал кам уч юз йил ичида «Саботул ожизин» асарига ҳар бири мустақил асар мақомида бўлган учта шарҳ китоби ёзилиш заруратини изоҳлашга ёрдам беради. Иборанинг биринчи бўлаги – *муъжаз* шаклга, иккинчиси – *муъжиз* мазмунга алоқадор. Ҳар бири неча гапларга мазмун бағишлайдиган кўп маъноларни битта жумлага гўзал тарзда жойлаш *жавомиъул калим* дейилиши аён. Қуръон ва ҳадис бошидан охиригача шу услубда бўлгани боис қалбларни ҳайратга солган, ақлларни лол қолдирган. Шу услуб жозибаси олиму уламони, адибу удабони тинимсиз ўзига чорлаган, тафаккур қилишга ундаган. Аждодлар анъанасига содиқ Сўфи Оллоёр ҳам шу жозоба руҳида ижод қилган. Асарга мавзу ўлароқ ақида илми танлаганининг ва унга «Саботул ожизин» – «Ожизлар саботи» деб ном берилганининг сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳақиқатан, ақоид илмига оид мавзуларни назмга солиш кучли сабот, улкан малака талаб этади. Адиб бу вазифани юқори даражада адо этган. Шунинг учун ҳам асар тез оммалашган, асрлар давомида олимлар диққатини тортган, байтлар замиридаги муъжиз маънолар бирма-бир ажратилиб, назарий асосда таснифланган, тасниф таркибидаги қисмларнинг ҳар бири таърифланган, уларнинг ўзаро муносабати аниқланган. Диссертацияда шарҳлардаги талқинлар қиёсий аспектда ўрганилган, уларни чуқурлаштириш юзасидан аниқ мисоллар таҳлили орқали илмий кузатишлар берилган, шунингдек, «Саботул ожизин»нинг замонавий шарҳини яратиш муаммолари юзасидан назарий фикрлар илгари сурилиб, бу хусусда аниқ амалий таклифлар тақдим этилган.

Тадқиқотнинг умумий мавзусида акс этган бош муаммоларга бир хилда алоқадор масала «Саботул ожизин»нинг илмий-адабий манба эканидир. Шунинг учун ҳам учинчи боб «**Саботул ожизин**» – **илмий-адабий манба**» деб номланди. Сўфи Оллоёр ижодига нисбатан «илмий-адабий» атамасини биринчи бўлиб Ш.Сирождидинов¹⁴ қўллаган. Олим китобининг биринчи бобини «Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси» деб номлаган. Мазкур китобда сарлавҳадаги *илмий-адабий* бирикмаси тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда адиб асарларининг бир хусусияти сифатида талқин қилинган.

Тадқиқотда «Саботул ожизин»нинг илмий ва адабий жиҳатларини аниқ мисоллар билан асослашдан олдин бу типдаги илмий-маърифий асарларнинг адабиётдаги ўрнини белгилашга эҳтиёж сезилди. Чунки баъзан соҳа мутахассислари орасида бутунни қисмларга ажратиш ва ҳар қисмни бутун сифатида талқин этиш билан мақсадни яхлит бир тизимда бериш усулини фарқламаслик ҳоллари кузатилади. Натижада ҳар икки йўналишдаги хос,

¹⁴ Сирождидинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. –Тошкент, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. –Б.6.

шунингдек, бир-бирига ўтиб турувчи нозик даражаланишлар назардан четда қолади ва баҳолаш бирёқлама тус олади.

Диссертацияда иъжоз мақоми, илҳом эҳтиёжи, бурч мажбурияти, таълимий шеърят каби калит тушунчалар орқали мазкур даражаланишлар чегараси аниқланган. Пировардида «Саботул ожизин» манзумаларининг мазмунан ақоид матнлари, шаклан мажозий-поэтик, бадий-тасвирий ифодалар орқали намоён бўлиши илмий далиллар билан асосланган ва манбага том маънода *илмий-адабий* нисбаси берилган. Бобнинг аввалги – «Илмий-маърифий асарларнинг адабиётдаги ўрни» фаслида маълум соҳа доирасида чегараланган, назарий асосга эга қонун-қоидалар тизими орқали мазкур йўналишдаги назмий асарларнинг мақоми ўрганилган.

Маълумки, филологияга бевосита алоқаси бўлмаган манбаларда ҳам баъзан адабий воситалардан, хусусан, шеърдан кенг фойдаланилган. Бундай манбалар фундаментал ўрганилар экан, қайси соҳа базасида текширилиши керак, деган принципиал савол туғилади. Масалан, «Саботул ожизин»ни адабий манба дейиш керакми ёки ақида китоби? «Саботул ожизин» ақоид илмидаги мўътабар манбаларга қиёсан ўрганилиб, ўзаро мувофиқлик даражаси аниқланса, унинг нечоғли ақида китоби экани аён бўлади. Агар ақида масалаларига эмас, ифода назмда бўлгани учун шоирнинг бадий маҳоратига эътибор қаратилса, шу йўл билан асарнинг адабий қиммати ёритилса, манбанинг адабиётга алоқадорлик даражаси аниқлашади. Демак «Саботул ожизин» типидagi асарларни ҳам адабий, ҳам илмий манба сифатида ўрганиш мумкин, аксинча бундай асарларни бир соҳа билангина қатъий чегаралаш тўғри эмас. Бу фикрни Навоийнинг «Сирожул муслимин», Бобурнинг «Мубаййин» асарларига, Вафойининг «Равнақул ислом» достонига, Мир Ҳайдархон ибн Суннатуллоҳнинг «Ақидаи назмий» ва Абдурахмон Низорийнинг «Даҳрун нажот» манзумаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Тафаккур эгалари барча замонларда ҳам борлиқни англашга интилган. Илоҳий Калом бундай фаол, маънавий соғлом инсонлар учун доимо илҳом манбаи бўлган. Маънавий меросимиз тарихига назар солинса, нафақат адабиёт, шунингдек, фалакиёт, кимё, алжабр, фикҳ, усули фикҳ, фаройиз, ақоид илми намояндаларидан айримлари ҳам ўз соҳалари доирасидаги илмларини ёйиш, тажрибаларини оммалаштириш шакллари билан бири сифатида назмдан фойдаланган. Негаки уларнинг фикрлаш тарзи Қуръоннинг бетакрор фасоҳати ва балоғати завқида шаклланган. Аниқ фанларга оид изланишларда кечадиган жиддий ва машаққатли илм заҳматларига қарамай, бу завқ йўқолмагани, билъакс, таъсирланиш бор бўйи билан юзага чиқиб, қаламнинг назмга бурилиб кетиш сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Шарқда адабиётни ихтисос сифатида ихтиёр этган ҳар бир ижодкордан адаб илмларидан хабардор бўлиш талаб қилинган. Абдулқодир Бағдодийнинг «Хизанатул адаб» китобида келтирилишича, Андалусий адаб илмларини олтига ажратган. Қалқашандий «Сабҳул аъшо» асарида адаб илмларининг ўнтасини санаган: илмул луғат, илмут тасарруф, илмун наҳв, илмул маоний,

илмул баён, илмул бадиъ, илмул аруз, илмул қавофий, илмул қавонинил хат, қавонинил қироат. Мазкур илмларни ҳам назарий, ҳам амалий эгаллаган олимлар *адиб* номини олган. Айни маънодаги адиблар ижодида хослик хусусияти етакчи бўлиб, улар ғоявий-эстетик идеалини инкишоф этиш барорбарида бутунни қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисмни бутун сифатида талқин этиш йўлидан борганлар. Бундай ижод намуналарининг бадиияти юксак, ҳатто иъжоз мақомига кўтарилган. Илҳом эҳтиёжидан эмас, кўпроқ бурч мажбурияти остида битилган «Сирожул муслимин», «Мубаййин», «Қасидайи аъмолий», «Саводи таълим» каби асарларда эса мақсадни яхлит, бир бутун тизимда бериш йўлидан борилган ва гарчи бадиийлик бир қадар бой берилса-да, таъсирнинг оммавийлиги таъминланган.

Илҳом ёки бурч эҳтиёжи самараси бўлган бундай асарлар солиштирилса, аввалгиси кейингисидан адабийроқ. Айни қиёс орқали турли даврда яшаб, турли ижтимоий муҳитда шаклланган адибларнинг ёхуд бир ижодкорнинг турли асарларида адиблик салоҳиятида нозик даражаланиш мавжудлиги; бу даражаланиш мезони шаклан ва мазмунан бутун бўлган ижод маҳсулига нисбатан олингандагина ҳаққоний ва адолатли бўлиши англашилади.

Бобнинг умумий мавзусида «Саботул ожизин»нинг илмий манба экани муаммо сифатида қўйилгани учун бобнинг иккинчи фасли «Саботул ожизин» асарида ақоид масалалари» деб номланган. Таъкидлаш жоизки, бу ўринда «илмий» деган сифат муайян фан тармоғига оид хос қонун-қоидалар мажмуини эмас, мутлоқ маънода қўлланган. Яъни «Саботул ожизин» – илмий манба» дейилар экан, бу билан мазкур манбани фақат адабиёт назариясига оид қайсидир қонун-қоидаларни (масалан, аруз назариясини) ўзида акс эттирган асар деб тушунмаслик керак, балки умуман илмий соҳага тегишли мавзуларни қамраган манба экани назарда тутилиши лозим. Сўфи Оллоёрнинг ўзи ҳам, «Китоб таълифининг баёни» бўлимида *Ақида сўзларини қилдим исбот//Анга қўйдум «Саботул ожизин» от,* – дея асарнинг мақсадига кўра ақоид китоби эканини таъкидлаган. Диссертациядан кутилган якуний натижа «Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матнини яратиш экан, натижа ҳар томонлама асосли, ишончли бўлиши учун тадқиқот ақоид масалаларига мавзу доирасида мурожаат қилишни тақозо этган.

«Ақоидун насафий»да Яратувчининг сифатлари изоҳланган жумлада қуйидагича ифода бор: [¹⁵ *و هي لا هو ولا غيره*] яъни, *Оллоҳнинг Зотидаги сифатлар Зотнинг ўзи эмас ва Зотидан ўзга ҳам эмас*. Бу жумла «Саботул ожизин»да шу даражада маҳорат билан ифодаланганки, гўё уни мазкур арабий матннинг сўзма-сўз таржимаси дейиш мумкин:

*Субутидур анинг саккиз сифоти,
Сифат зоти эмас, на гайри зоти.*¹⁶

¹⁵ ۱۷. متون الرسائل العقائدية. العقائد النسفية. ص. ۱۷. – Тошкент, Тошкент ислом университети, 2006. – Б.17.

¹⁶ Илмий-танқидий матн. 6-1 (яъни, 6- бўлимнинг 1-байти).

Байтларнинг матнга бу даражада мос келишини шунчаки тасодиф билан изоҳлаш мумкин эмас. Ўндан ортиқ фатво манбаларидан фойданиб, ўн икки мингдан ортиқ байтли фикҳий китоб битган Сўфи Оллоёр ақида илмининг мўътабар манбаларини билган ва улардан фойдаланган. Шунинг ўзиёқ асарнинг ақоид масалалари бадий талқин этилган илмий-адабий манба эканининг бир исботи бўлиб, асардан бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин.

Илмий сўзи ёнига *адабий* сифати кўшиб айтилишининг сабаби, биринчидан, бу асар Алий ибн Усмон Сирожиддин Ўшийнинг «Бадъул амолий» ва Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозийнинг «Ан-назм ул ҳовий ли ақидатил имом Тоҳавий» асарлари сингари (гарчи улар назмда ёзилган бўлса ҳам), тўлалигича муайян фан соҳасига ихтисослашмаган, «Саботул ожизин» ҳам мазмунан, ҳам шаклан ақоид матнлари қолипда тузилмаган. Унинг на функционал, на композицион шакли бу қолипга мос. Қолаверса, муаллиф асарининг ёзилиш сабабини баён этар экан, бекорга «*Насойихдин ҳам андак айладим ёд*» демаган. Асарнинг учдан икки қисми муножот, ривоят, ҳикоят жанри асосига қурилган панд-насихатларнинг гўзал шаклдаги бадий ифодасидир.

Демак, «Саботул ожизин» ақоид илмида тан олинган олимлар тасниф этган асл манбаларга асос ва ҳукмда мувофиқ келишига кўра илмий, умумий характери жиҳатидан эса илмий-адабий манбадир. Шунга биноан, мазкур бобнинг учинчи фасли «Саботул ожизин» – адабий манба» деб номланди. Адабиётшуносликда *манзума*¹⁷ тушунчаси дoston типига сюжетли шеър турига нисбатан ишлатилса-да, Сўфи Оллоёр бу сўзни «муस्ताқил назмий тизмалар» маъносида қўллаган. Қудома ибн Жаъфарнинг шеърга берган классик таърифидан келиб чиқсак, асардаги манзумалар маснавий жанри талабида қофияланган, ақида илми мавзуларини ўз ичига олган, гўзал ахлоқий сифатларга тарғиб маъноларига далолат қиладиган *шеърлардир*.

Аслида, асар матни шеър таърифига мувофиқлигининг ўзи унинг адабий манба сифатида баҳоланишига кифоя. Лекин манбанинг адабиётга яқинлик даражаси ғоявий-бадий мақсаднинг нечоғли маҳорат билан адо этилганига ҳам боғлиқ. Қудома ибн Жаъфар шеър таърифида айтган фикрининг давомида ижронинг даражаланиш чегараларини *юксак, ўртамиёна, паст* деб белгилаган. «Саботул ожизин» бадиияти бу даражаларнинг қай бирига мувофиқ? «Шеърда кишиларнинг қонини қайнатғучи, сингирларини ўйнатғувчи, миясини титратғучи, сезгисини кўзғатғувчи бир куч, маънавий бир куч бор...» – дейди Фитрат «Шеър ва шоирлик» мақоласида.¹⁸ Фитрат санаган сифатлар асарнинг бадийлик даражасини кўрсатувчи белгилардир. «Саботул ожизин» ўз ўқувчисига шундай ҳаяжонни ҳадя қила оладими? Байтлар зоҳирига қаралса, асарни фақат ақида илми тарғибига доир асар

¹⁷ «Савод эттим неча манзума ночор». Илмий-танқидий матн. 3-9.

¹⁸ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент, Маънавият, 2006. –Б.6. (Гарчи бу фикр араб адиларининг шеърга берган таърифига раддия сифатида келтирилган бўлса-да, қўйилган саволни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади).

дейиш мумкин. Бундан эса таълимий шеър турида¹⁹ бўлганидек, асар байтлари илҳом эҳтиёжидан эмас, кўпроқ бурч мажбурияти остида ёзилгани келиб чиқади. Аммо сўзларнинг луғавий ва истилоҳий маъноси англаниб, асар матнига чуқурроқ кирилса, ифода шаклларидаги фасохат, маънодаги балоғат яққол сезилади. «Саботул ожизин» тилининг равонлиги, ифоданинг соддалиги ва энг асосийси тажнис санъатидан маҳорат билан фойдаланилгани асарнинг жозоба қувватини оширади. Асарда тажнисни ҳосил қилган сўзларнинг шаклда бир-бирига тўла мувофиқ тури – *том тажнис* кўп учрайди. Ҳар бўлимда, баъзан ҳар байтда кетма-кет келган шаклдош сўзларнинг бир хил сўз туркумига мансуб мумосил ва турли сўз туркумига мансуб муставфий, шунингдек, аввалгиси бир сўздан, кейингиси икки сўздан иборат *мураккаб* тажнисларнинг матн табиатида сингдириб юборилиши асарнинг авому хос орасида оммалашини омилидир. Диссертацияда бу хусусда батафсил тўхталинган.

«Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матнини тузиш диссертацияда қўйилган асосий муаммодир. «**Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матни ва қиёсий-таснифий тадқиқи**» деб номланган сўнгги – IV бобда «Саботул ожизин» асари мисолида ишончли матнни тиклашнинг назарий муаммолари ёритилган, мумтоз адабий манбаларни тадқиқ этишда, оммалаштиришда фундаментал илмий кўрсаткичлар билан таъминланган илмий-танқидий матн имкониятлари ўрганилган. «Саботул ожизин» қўлёзмалари ва тошбосма нусхалари» деб номланган биринчи фасл аввалида матн тарихи, матн таҳрири тушунчалари, табдил муаммолари, хусусан, арабча-форсча изофаларнинг оммавий нашрларда ёзилиш қоидалари таҳлил этилган. Жумладан, четдан кириб келаётган сўз имлосини қабул қилишда чет тилнинг грамматик хусусиятлари эмас, балки ўша сўзнинг ўқилиши ва уни ўзбек тили талаффузига мослаштириш эътиборга олиниши, ўзлашаётган сўз токи қандай ўқилса, шундай ёзилмас экан, бу сўзнинг тилимизга сингиб, ўзбек тилининг луғат фондидан жой олиши қийинлиги илмий асосланган.

«Саботул ожизин»нинг тадқиқотга жалб этилган қўлёзма ва тошбосма нусхалари жами бир юз етмиштани ташкил этиб, шулардан бештаси шарҳлар учун танланган матнлардир. 170 та нусхадан 47 тасининг йили номаълум, 128 та нусханинг аниқ ва тахминий даври белгиланган. 128 та қўлёзма ва тошбосма китобдан 12 таси – XVIII асрга, 72 таси – XIX асрга, 44 таси – XX асрга тааллуқли. Агар бу ҳисобни йили аниқланган китобларга нисбатан фоиз миқдорида солиштирилса, натижа шундай кўриниш олади:

XVIII аср – 15,3%

XIX аср – 92,1%

XX аср – 56,3%

Мазкур бобнинг «Ишончли матнни тиклаш тамойиллари» деб аталган иккинчи фаслида манбашунослик ва матншунослик илмининг назарий ва

¹⁹ XX аср араб адиблари таълиф этган «البلاغة و النقد» («Балоғат илми ва адабий танқид») асарида шеър навлари тўртга бўлинган: الشعر الغنائى – лирик шеър; الشعر القصصى – эпик шеър; الشعر التمثيلى – тамсилый шеър, яъни ҳаёт сахнасидан олинган тарихий ёки ҳаёлий воқелик тасвири; الشعر التعليمى – таълимий шеър, яъни маълум бир фан қоидаларини шеърга солиш.

амалий муаммолари «Саботул ожизин» матни мисолида ўрганилган. Асарнинг ЎзРФАШИ ва жаҳон фондларидаги, шунингдек, шахсий кутубхоналардаги 200 га яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари тадқиқотнинг умумий мурожаат манбалари саналиб, уларда матн тарихи билан боғлиқ анчагина маълумотлар сақланган. Ушбу маълумотларнинг муайян тизимдаги таснифига асосланган матн тадқиқи бир неча босқичда кечадиган «қиёслаш ва саралаш» усулидан бошланади:

1. «Саботул ожизин» нусхалари палеографик текширув натижалари асосида саналар бўйича уч қисмга ажратилди (XVIII аср; XIX аср; XX аср).

2. Ҳар учала гуруҳ қўлёзмаларининг хати солиштирилди.

3. Саналар бўйича ажратилган ҳар бир қўлёзма матни тўлиқлигига кўра қиёсланди.

4. Ўзаро қиёс натижасида сараланган нусхаларнинг «матн бутунлиги» аниқланди.

Ишончли матнни тиклаш силсиласи ўзаро боғланган уч халқадан ташкил топган. Биринчи халқдаги уч манба – А1074, С2, ҲТ *асос нусхалар* деб номланиб, матн асосини ташкил этган. Асос нусхаларнинг аввалги иккитаси ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган қўлёзмалардир. Иккинчи халқдаги уч манба – А1074, 2061, ИО²⁰ *фаол нусхалар* деган ном билан матндаги муҳим тафовутларни кўрсатишга хизмат қилган. Учинчи халқдаги олти манба – В4149, С1420, В317, С161, С1, РА²¹ *ёрдамчи нусхалар* деб аталиб, зарур ўринларда иккинчи даражали фарқларни акс эттирган. Танланган манбаларнинг аксари ҳуснихат билан ёзилгани, сақланиш ҳолати сифатли эканига қарамай, матн тўлиқлиги борасида фарқланади. Қиёслаш жараёнида танланган нусхаларнинг бошқа нусха матнларида учрамаган янги байтлари аниқланди.

Асарнинг XIX аср охири ва XX асрга оид қўлёзма ҳамда тошбосма нусхаларидаги сарлавҳалар аксар форсий тил қонуниятларига кўра қўйилган. XVIII аср охири ва XIX аср аввалидаги нусхаларда эса бўлимлар деярли сарлавҳасиз ажратилган, сарлавҳа берилган ўринда ҳам улар имкон қадар туркийда ифодаланган. Бу ҳол бўлимларга турли даврларда турлича қўйилган сарлавҳаларнинг муаллиф матнига нисбатан шартлилик характериға эга эканини билдиради. Аксар нусхаларда асар матнидан сўнг «Рубоиййоти ба тариқи муножот» сарлавҳаси остида ҳар банди «Холиқо...» лафзи билан бошланувчи тўртликлар келтирилади. Мазкур рубоийлар шаклан соддалиги, равон тили ва руҳининг тиниқлигига кўра асар байтларига тўла ҳамоҳанг. Шунинг учун бўлса керак, бу рубоийларга назиралар ҳам битилган²². Шунингдек, асар нусхаларида Сўфи Оллоёрга нисбат берилган ғазаллар ҳам учрайди.

Гарчи ғазаллар мақтаёида «Оллоёр» исми зикр қилинган бўлса-да, «Саботул ожизин» байтлари билан яқиндан таниш киши мазкур ғазалларни дабдурустдан «Сўфи Оллоёрники» дейишга рози бўлмайди. Ҳар бир

²⁰ «Иршодул оъизин» шарҳидаги матн вариантини «ИО» шартли қисқартмаси билан белгиладик.

²¹ «Рисолаи Азиза» шарҳидаги матн вариантини «РА» шартли қисқартмаси билан белгиладик.

²² Бу ҳақда қаранг: Хўжаназар Хувайдо. Девон. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –Б.4.

ижодкорнинг ўзигагина хос услуби, тили, завқи, қочирим, рамз, ишоралари бўлади. Ижодкор қайси мавзуда, қайси жанрда ёзмасин, ўз қолипидан ташқарига чиқолмайди. Шунинг учун ҳам унга тегишли матнни, гарчи исми зикр қилинмаса-да, таниш мумкин. Агар мазкур ғазаллар (шунингдек, баъзи нусхаларда ғазаллар билан биргаликда келган мураббаъ, мухаммас, шеърий мактублар²³) чиндан ҳам Сўфи Оллоёрга тегишли бўлса, муаллифнинг бу ижод намуналари «Саботул ожизин» кўтарилган мақомга ета олмагани аниқ.

Доктор Муҳаммад Ҳамдий Бакрий «Илмий-танқидий матн ва қўлёзма китобларни нашрга тайёрлаш асослари» китоби²⁴да илмий-танқидий матн тайёрлаш билан шуғулланувчи матншуноснинг қўлёзма асар нусхаларининг ишончлилиқ даражасини аниқлаш, нусхаларнинг афзал томонларини ўзаро қиёслар асосида фарқлаш каби вазифаларини таъкидлаб, қуйидаги тўртта қоидани эслатади: 1) тўлиқ нусха чала нусхадан афзал; 2) хати равшан нусха бадхат нусхадан афзал; 3) қадимий нусха замонавий нусхадан афзал; 4) бошқа нусхалар билан ўзаро таққослаш натижасида тайёрланган нусха таққосланмаган нусхадан афзал. Олим охириги икки қоидани олдингиларидан аҳамиятли эканини таъкидлаб, бундай нусхаларни *нафиса* (қадрли) ва *қоййима* (қиммати баланд) лафзлари билан изоҳлаган.

Аслиятга яқинлиги эътиборидан муаллиф яшаган даврга яқинроқ йилларда кўчирилган нусханинг кейингиларидан афзаллиги исбот талаб қилмайди. Шунингдек, ўзаро қиёслар асосида сараланган нусханинг қадри баландлигига ҳам шубҳа йўқ. Умуман олганда, бу ҳукмлар тўғри, аммо жараёнда туғиладиган баъзи ҳолатлар мазкур қарашларни бироз тўлдиришни тақозо этади. «Саботул ожизин» қўлёзмалари бўйича олиб борилган қиёсий тадқиқотлар натижасида энг қадимий А 1057 нусхаси ҳам хатолардан холи эмаслиги аён бўлди. Бу борадаги илмий кузатишлар энг қадимий деб топилган қўлёзма нусхани ҳар доим ҳам аслият ўрнида қабул қилиб бўлмаслигини кўрсатади ва илмий-танқидий матнни тайёрлашда қадимий нусханинг асос сифатидаги дахлсизлигини шубҳа остига қўяди.

«Муаммо ва ечим: илмий-танқидий матн имкониятлари»деб номланган сўнгги фаслда мумтоз адабий манбалар тадқиқида матншунослик илми натижаларининг аҳамияти «Саботул ожизин» илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёни билан боғлиқликда ўрганилган.

Матбаачилик тараққиёти қўлёзма манбаларни нашр қилиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва бунинг учун матншунослик илмининг таркибий қисми эдицион тадқиқ тизимидан хабардор бўлиш масаласини кун тартибига қўйди. Матншунос ўзи ўрганаётган қўлёзманинг турли нусхаларини қўлга киритар экан, унинг олдида «қайси нусха нашр қилишга лойиқ» деган савол туғилади: қадимийроғими ё замонавийроғи, тўлиғими ёки ноқиси, хушхатими ё бадхатроғи? Бу саволларга жавоб топиш назарий жиҳатдан осон кўринса-да, уларнинг амалий татбиқи энгил кечмайди. Ҳар

²³ И.Сувонқулов нашрга тайёрлаган «Кўзинг ибрат била оч» (Самарқанд, 2011) китобида Сўфи Оллоёрниг ғазал, рубойи, шеърий мактублари ва форс-тожикча ғазаллари тўпланган.

²⁴ *اصول النقد النصوص و نشر الكتاب*. Бу асар олмон шарқшуноси доктор Бергштрауснинг 1931 йили Қоҳира университети адабиёт факультети магистрларига ўқилган маърузалари асосида ёзилган.

доим ҳам қадимийроқ нусха замонавийроғидан ёки тўлиғи ноқисидан етакчи бўлмайди, балки бунинг акси бўлиши мумкин.

Энг серзахмат жараён матн таҳқиқидир. Таҳқиқ жараёни матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумланинг муаллиф матнига мувофиқлигини илмий далиллар билан ҳар томонлама асослашдан иборат. Бу фаолият билан шуғулланувчи олим шарқда муҳаққиқ дейилган. Манбашунослар Абдуссатор Абдулҳақ Ҳалужий²⁵ ва Башшор Аввод Маъруф²⁶нинг хабар беришича, кўлёзма асарлар таҳқиқи бўйича соҳа олимларининг фикри хилма-хил: 1) муҳаққиқ учун муҳими, бир нечта нусхани ўрганиш билан чегараланиш, улар ичидан битта нусхани танлаб, ўртадаги фарқларни кўрсатиб нашр қилиш; 2) муҳаққиқнинг вазифаси таҳқиқда муқобил нусхалар билан чегараланиб қолиш эмас, балки қайси нусха матни қайсисидан келиб чиққанини аниқлаш ва шу йўл билан аслиятни тиклашдир; 3) таҳқиқ жараёнига имкон қадар кўпроқ нусхаларни жалб қилиш лозим. «Матн аниқлиги» (ضبط المتن)ни шарт қилиб қўйган бу олимлар фикрича, ғоят даражада аниқликка эришиш учун, зарурат бўлса, матнни ислоҳ қилиш, изоҳловчи қўшимчалар билан мазмунни очиш, ҳар бир ҳолатга таъриф бериш керак.

Бу қарашлар янги саволлар туғилишига сабаб бўлган. Тузатишлар, қўшимчалар, изоҳлар катталашиб, ҳажми китоб матнидан ҳам ошиб кетса, матнга алоқадор фикрлар ҳошияда (матн остида) зикр қилингани яхшими ёки асл матндан ажратилиб, алоҳида, мустақил қисм сифатида берилганими? Шунингдек, матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этган яхшими ёки матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри вариантларни ҳошияда кўрсатган афзалми? Диссертацияда бу саволларга жавоб ўзбек матншунослиги тарихидан изланган. Айтиш мумкинки, ўзбек матншунослиги Навоий асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида шаклланган. И.Султоновнинг «Навоийнинг «Мезонул-авзон»и ва унинг критик тексти»²⁷ мавзуидаги номзодлик диссертацияси, П.Шамсиевнинг «Хамса» («Сабаи сайёр», 1956; Фарҳод ва Ширин», 1963; «Ҳайратул аброр», 1970) илмий-танқидий матни²⁸, Ҳ.Сулаймоновнинг «Ҳазойинул маоний» илмий-танқидий матни, Ф.Исҳоқовнинг «Зарбулмасал» асари илмий-танқидий матни нашрларида илмий-танқидий матнга алоқадор тузатиш, қўшимчаларнинг мухтасар баёни матн остида, батафсил изоҳи мустақил қисм сифатида матннинг аввалида келтирилган. Бу ҳолни «Лисонут тайр» достони²⁹ ва «Насойимул муҳаббат»³⁰ асарига тузилган илмий-танқидий матнларда ҳам кўриш мумкин.

عبد الحق الحلوجى. استاذ المكتبات آدب قاهرة" اصول النقد النصوص و نشر الكتاب" دوكتور محمد حمدى بكرى. توطئة. عبد الستار

"ضبط النص و التعليق عليه". الدكتور بشار عواد معروف. بيروت 1982, ص. 267

²⁷ Алишер Навоий. Мезонул авзон. / Тайёрловчи И.Султонов. –Тошкент, Асосий кутубхона. РД/1, 1947.

²⁸ Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Илмий танқидий матн. / Тузувчи: Порсо Шамсиев. –Тошкент: Фан, 1970. –Б. IV.

²⁹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. /Тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. –Тошкент: Фан, 1965. –Б.283.

³⁰ Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Илмий-танқидий матн. /Тайёрловчи Ҳ.Исломиёв). Тошкент: Movarounnahr, 2011, –Б.426.

Матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этиш ёки матнни қандай бўлса шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри вариантларни ҳошияда кўрсатиш масаласида илмий-танқидий матн таянч қўлёзманинг измига имкон қадар бўйсундирилгани маъқулроқ. Ўрни келганда таянч нусхага ҳам танқидий назар билан ёндашилади. Бундай ҳолда мазмун тақозо этган бошқа нусхалар таянч нусхадан афзал саналади. Соҳа мутахассислари учун мўлжалланган илмий нашрларда муаллиф ҳаётлигида кўчирилган қадимий нусханинг ишончилиги асосланса, матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғрилиги тахмин қилинаётган вариантларни ҳошияда кўрсатган афзал. Оммавий нашрларни эса тузатилган матн асосида, матнга турли илмий кўрсаткичларни қориштирмасдан, агар луғат ва изоҳларга ҳожат бўлса, уларни китоб охирига илова қилиш йўли билан чоп қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишончли илмий-танқидий матн оммавий нашр учун ҳам, филологик тадқиқотлар учун ҳам кенг имкониятлар ва бой маълумотлар берувчи бирламчи манба. Мумтоз матнлар бўйича амалга оширилган ишлар хоҳ оммавий, хоҳ илмий йўналишда бўлсин, бирламчи манбани четлаб ўтар экан, эришилган натижалар муваққат характерга эга бўлиб қолади. Бунинг олдини олиш учун мумтоз адабий манбалар юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар қатъий фундамент – илмий-танқидий матнга асосланиши шарт.

Билдирилган фикрлардан аён бўладики, илмий-танқидий матн тайёрлашнинг барча манбалар учун бир хил умумий қонуниятлари билан бирга, ҳар бир манба тадқиқида юзага чиқадиган специфик хусусиятлари ҳам мавжуд. Умумий қонуниятлар кўп нусхали матнларни ўзаро қиёслаб саралаш, сараланган нусхаларни ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра гуруҳлаш, гуруҳлардаги етакчи қўлёзмалар асосида таянч ёки асос нусхани танлаш билан белгиланса, специфик хусусиятлар муайян адабий манба йўналиши ва табиатидан келиб чиқиб, унинг илмий апаратини шакллантириш билан боғлиқ.

Шу маънода «Саботул ожизин» илмий-танқидий матнини тайёрлаш ҳам бу борада орттирилган тажрибаларнинг давоми ўлароқ, ўзининг умумий ва хусусий жиҳатларига эга. Асос нусхаларни белгилаш билан боғлиқ умумий қонуниятлар диссертацияда батафсил баён қилинган, асар илмий-танқидий матнининг ўзига хос хусусиятлари матнга илова қилинган илмий аппаратда акс этган. Матншуносликда *илмий аппарат* тушунчаси матн таркибини деталлаштириб, ҳар бир қисмни илмий кўрсаткичлар орқали изоҳлашни англатади. Ишнинг назарий қисмига илова тарзида келтириляётган илмий аппарат жараённинг илмий кўлами ҳақида бир бутун тасаввур уйғотади, тадқиқотнинг якуний кўргазмали макети вазифасини ўтайди.

Диссертация «**Илова**»сини ташкил этган илмий аппарат«**Саботул ожизин**»нинг **илмий-танқидий матни ва унга тузилган тўла илмий кўрсаткич**» деб номланиб, тўрт бўлимдан таркиб топган. Биринчи бўлимда илмий-танқидий матн қоидага кўра, аввал аслият ёзувида – настаълиқ хатида, сўнг жорий имлода тақдим этилган. Асос, фаол, ёрдамчи нусхалардан иборат ҳар учала ҳалқага кирувчи қўлёзмалардаги фарқлар матн остидаги ҳаволада

кўрсатиб борилган. Илмий-танқидий матн турли даврга оид бир нечта нусхага асослангани учун матн ислоҳи жараёни фақат етакчи қўлёзмадан механик равишда нусха кўчириш йўли билан эмас, балки қиёсий-мантиқий далиллаш орқали кечган. Аммо мантиқий далиллаш методи матншунослик тадқиқида қанчалик зарур ҳисобланмасин, қўлёзмада акс этган реал тарихий матнга нисбатан иккиламчи характердадир. Ҳам мазмун, ҳам бадиий мантиқ талаб қилаётган сўз матншуносга нечоғли мувофиқ кўринмасин, қадимий нусха матнидан фарқланар экан, натижа илмийликдан йироқлашади. Илмий-танқидий матннинг ишончилиги айни жараёнда ўзига маъқул битта қўлёзма, битта нусха, битта матн атрофида ўралашиб қолмай, таъсирлардан юқори туриб, фарқларга объектив назар билан қарашга боғлиқ. Матншунос ҳар томонлама асосланган илмий-танқидий матнни тиклар экан, бу билан у гўё муаллиф матнини тақдим қилади. Матншунос олим Н.Жабборовнинг фикрича, «Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири эса асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас».³¹

Иккинчи бўлимда тадқиқот натижалари қиёсий-таснифий жадваллар, чизмалар ва диаграммалар шаклида тақдим қилинган. Жадвалларда нусхалардаги тавофутлар, тажнислар индекси, мавзулар ва мурожаат қилинган манбалар, ақоид масалаларининг мувофиқлик нисбати, қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг хронологик таснифи қиёсий аспектда ўрганилган. Чизмалар орқали илмий-танқидий матнга асос бўлган манбаларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси келтирилган, шунингдек, «Саботул ожизин» нашрларининг умумий географик атласи яратилган. Диаграммаларда Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид манбаларнинг ишончилилик даражаси ва қўлёзмаларнинг шартли хронологик нисбати кўрсатилган.

Учинчи бўлиметти қисмлик мавзуий таснифдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда муайян мавзу доирасида жамланган сўз, бирикма, жумла ва тушунчалар батафсил изоҳланди. Тўртинчи бўлимда эса «Саботул ожизин»га сал кам 1000 сўзлик луғат тузилди. Луғатда изоҳланаётган ҳар бир сўз алифбо тартибида келтирилиб, унинг қайси тилга мансублиги кўрсатилди. Луғатда сўзнинг араб ёзувидаги шакли берилиб, ўзбекча маъноси ифодаланди. Қавс ичида берилган изоҳлар, асосан, сўзнинг грамматик маъносини ёки вазифасини англатади. Битта сўзнинг бирдан ортиқ маънолари бўлса, рақамлар билан кўрсатилди. Изоҳлардан кейин келган рақамлар сўзнинг нечанчи бўлимда, нечанчи байтда, неча марта учрашига ишорадир.

³¹ Жабборов Н. Адабий манбаларда матн таҳрири масаласи. Адабий манба: ўрганишнинг замонавий тамойиллари ва нашр муаммолари. / Мақолалар тўплами. –Қарши: Насаф, 2013. –Б7.

ХУЛОСА

Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбалари, «Саботул ожизин» асари герменевтикаси ва мазкур асар илмий-танқидий матнини яратиш билан боғлиқ муаммоларни комплекс тадқиқ этиш натижаларини қуйидаги хулосалар билан умумлаштириш мумкин:

1. Тадқиқотда Сўфи Оллоёр шахси ва асарлари биографиясига оид бир қатор янги маълумотлар илмий истифодага олиб киритилиши билан шу пайтгача турли манбаларда тарқоқ ҳолда ётган «Саботул ожизин» асарини ўрганиш бўйича амалга оширилган икки юз йиллик тажриба битта тадқиқот доирасида бирлаштирилган ва илмий-танқидий матннинг потенциал ресурси кенгайган.

2. Сўфи Оллоёр биографияси билан боғлиқ энг қадимий манба – XVII аср охирида Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол томонидан ёзилган «Тухфатул аҳбоб» тазкираси Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбаларининг ишончлилик нисбатини белгилашда асосий манбадир. Муаллиф таржимаи ҳоли билан боғлиқ манбалардан-манбаларга ўтиб келаётган «Рисолаи Азиза»даги маълумотларнинг аксари манбавий асосга эга эмас. Адибнинг пири шайх Наврўз ва Ҳабибуллоҳ икки тарихий шахсдир.

3. Адиб илмий-адабий мероси «Маслакул муттақин», «Саботул ожизин», «Махзанул мутеъин», «Муродул орифин» каби тўрт асардан иборат. «Тухфатут толибин» Сўфи Оллоёр асари эмас, балки «Муродул орифин» байтларининг изоҳли йиғмасидир. «Махзанул мутеъин»да ақоид ва фикҳ илмининг 30 га яқин мавзулари бўйича 40 дан ортиқ манбаларга мурожаат қилинган. Сўфи Оллоёр ўзидаги билим захирасини «Махзанул мутеъин» мисолида тизимга солган, натижада асар муаллиф учун тахсиллий аҳамият касб этган. «Маслакул муттақин», «Махзанул мутеъин» ва «Муродул орифин» асарларининг қўлёзма манбалар асосида махсус ўрганилиши «Саботул ожизин» илмий-танқидий матнининг ишончлилигини таъминлайдиган омиллардан биридир.

4. Шарҳ илми тадқиқотида асос вазифасини ўтаган илмий мезон шарҳнинг вужудга келиши, шаклланиши, мустақил илм сифатида барқарорлашуви ҳодисаларини Исломдан кейинги давр чегарасида ўрганишни тақозо қилади. Барча турдаги шарҳлар учун умумий, тармоқлараро барқарор қонуниятлар мавжуд. Шарҳ илмининг текшириш усуллари ҳамда илмий тамойиллари нафақат замонавий адабиётшунослигимиз, балки Ғарб герменевтика таълимотининг илмий-адабий мезонлари учун ҳам замин вазифасини ўтаган.

5. «Саботул ожизин»нинг ҳар учала шарҳи матн мазмунини баён қилиш жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи ва оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бирламчи манбалар саналади, лекин шарҳ илми анъаналарини давом эттириш, ривожлантириш жиҳатидан қаралса, «Ҳидоятут толибин» қолган икки шарҳдан юқорироқ мавқеда туради. Шарҳланаётган асарнинг муносиб баҳоси таҳлилнинг мазмун ва шакл уйғунлигида олиб борилишида

намоён бўлади, шарҳларда мазмун тадқиқи билан параллел равишда шаклга ҳам жиддий эътибор қаратилиши тарбиявий хусусиятга эга манбани таълимий даражага кўтаради.

6. Катта ҳажмдаги матнларни муайян хусусиятига кўра ажратиш, ажратилган бўлакни бутуннинг қисми сифатида тақдим этиш ўқувчини матн мутолаасига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадини назарда тутати. Мумтоз матнларнинг замонавий шарҳида турлича изоҳли ва кўргазмали кўрсаткичлар билан таъминланган илмий аппарат мавжудлиги шарҳнинг мукамаллигини белгиловчи хусусиятдир. Муайян мумтоз адабий манбага ёзилган шарҳлар ўша манба илмий-танқидий матнини тайёрлашда қадимий матндан кейинги етакчи нусха вазифасини ўташга маълум маънода ҳақлидир.

7. Адаб илмларини ҳам назарий, ҳам амалий эгаллаган адиблар ижодида хослик хусусияти етакчи бўлиб, улар ғоявий-эстетик идеалларини бутунни қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисмни бутун сифатида талқин этиш орқали акс эттирганлар, бундай ижод намуналарининг бадиияти иъжоз мақомига кўтарилган. Илҳом эҳтиёжидан эмас, бурч мажбуриятдан битилган асарларда мақсад яхлит, маъно бир қатламли, шеър воқелиги илмий мантиққа қурилгани учун ҳам бадиий рангинлик ўрнини яқраглик эгаллаган, натижада кутилган аниқлик ва оммабопликка эришилган.

8. Ақоид матнларидаги сўз ва иборалар ўзининг луғавий маъносидан ташқари истилоҳий маънода, баъзан бутун бир тушунчани англатиб келгани учун кенгроқ шарҳни ёки мухтасар изоҳларни тақозо қилган. Шарҳлардан маълум тайёргарликка эга кишилар, мухтасар содда изоҳлардан бошланғич таълимга эга омма фойдаланган, ақида ҳукмларини шеърга солиб, изоҳлашдан кутилган мақсад ҳам мураккаб тушунчаларни соддалаштириб, тез ёдда қоладиган, таъсирчан шаклда ўқувчиларга етказиш бўлган. Мўътабар ақоид матнлари «Саботул ожизин»га муайян жиҳатлари билан асос бўлган, аммо муқояса натижалари «Ақоидун насафий» китобидан таъсирланиш кучлироқ бўлганини кўрсатади.

9. Тажнис, иштиқоқ ва бошқа бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилгани «Саботул ожизин»нинг авому хос орасида оммалашишида муҳим ўрин тутган поэтик омиллардан биридир. Тасвирий воситаларни статистик ҳисоблаш билан асарнинг бадииятини ўрганиб бўлмайди, муайян ижодкор фаолиятини баҳолашдаги энг муҳим мезон тадқиқотнинг асар воқелигидан, муаллифнинг бош концепциясидан узилиб қолмаслигидир.

10. Кўп нусхали матн тарихини ўрганиш асарнинг қўлёзма, тошбосма нусхаларини турли таснифлар асосида гуруҳлаш, ҳар томонлама қиёслаш ва саралашдан бошланиб, аниқ ва ишончли далиллар билан қувватланган илмий-танқидий матнни тайёрлаш билан ниҳояланади. «Саботул ожизин»нинг ишончли матнини тиклаш жараёни силсилавий тизимда кечиб, биринчи ҳалқа *асос нусхалар*, иккинчи ҳалқа *фаол нусхалар*, учинчи ҳалқа *ёрдамчи нусхалар*дан ташкил топган. Асос ҳалқа матн фундаменти, фаол ҳалқа матндаги муҳим фарқларни, ёрдамчи ҳалқа зарур ўринларда иккинчи даражали фарқларни гавдалантирган.

11. Сарлавҳаларнинг номланиши, бўлимларнинг тузилиши, сўзларнинг фонетик-график кўриниши ва морфологик шаклидаги тафовутларга кўра «Саботул ожизин» кўлёмалари бир умумий манбадан кўчирилган эмас. Асарнинг XIX аср охири ва XX асрга оид кўлёмма ва тошбосма нусхаларидаги сарлавҳалар номланишидаги аксар форсий тил конструкцияси, XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги нусхаларда эса бўлимларнинг деярли сарлавҳасиз ажратилгани уларнинг муаллиф матнига нисбатан шартлилик характериға эға эканини билдиради.

12. Ишончли матн битта эмас, турли даврга оид бир нечта нусхалар асосида тиклашни тақозо қилгани учун жадваллар орқали акс эттирилган матн ислоҳи жараёни етакчи кўлёммадан механик равишда нусха кўчириш йўли билан эмас, балки мантиқий далиллаш орқали олиб борилиши шарт. Назарий қисмға илова тарзида келтирилган илмий аппаратнинг конструктив мустаҳкамлиги ва структур жиҳатдан бойлиги илмий-танқидий матннинг аниқлигини таъминловчи бош хусусиятдир. Илмий-танқидий матни тайёрланаётган асар спецификаси матншуносға мавзуга дахлдор асосий ва жузъий тушунчалардан хабардор бўлиш мажбуриятини юклайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ
АЛИШЕРА НАВАИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ**

ЗАХИДОВ РАШИД ФАЗЫЛОВИЧ

**ПРОБЛЕМЫ КОМПЛЕКСНОГО ИЗУЧЕНИЯ ИСТОЧНИКОВ,
КОММЕНТАРИЙ И НАУЧНО-КРИТИЧЕСКОГО ТЕКСТА
ПРОИЗВЕДЕНИЯ «САБАТУЛ АЖИЗИН»**

10.00.10 – Текстология и литературные источниковедения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Fil51.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.navoiy-uni.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Сирожиддинов Шухрат Самариддинович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухиддинов Муслихиддин Кутбиддинович**
доктор филологических наук, профессор

Тухлиев Бокижон
доктор филологических наук, профессор

Нафасов Шодмон Намазович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Государственный литературный музей имени Алишера Навои**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.19.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои. (Адрес: 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб, 1036. Тел.: (99871) 233-45-21 (www.navoiy-uni.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы (зарегистрированной за № ____). (Адрес: 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб, 1036. Тел.: (99871) 233-45-21 (www.navoiy-uni.uz)).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестр №__ от «__» _____ 2018 года).

Ш.С.Сирожиддинов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

Ё.Р.Одилов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук

Н.М.Махмудов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Литературные памятники, считающиеся неотъемлемой частью духовного наследия человечества, имеют огромное место и значение в развитии мировой цивилизации. Всестороннее изучение литературных источников на основе древних рукописей, как правило, вносит неоценимый вклад в оздоровление духа нации. Исследование классических литературных текстов в эдиционной системе, специфическое отношение к осуществленным зарубежным работам и анализ каждого литературного явления на основе принципа совмещения диахронического и синхронического аспектов являются одним из важных факторов, обеспечивающие развитие текстологии и литературного источниковедения.

Глобальные изменения, происходящие в социально-духовной жизни народов мира, требуют от интеллигенции, являющейся авангардной силой общества, освещения специфических особенностей своей истории на основе первоисточников. В частности, издание древних литературных источников на основе рукописей, подготовка их научно-критических текстов, обеспеченных научными комментариями и указателями, ведение новых научно-теоретических исследований в аспекте текстологии и литературного источниковедения, изучение деятельности древних научных школ, возникших в гуманитарных науках, а также продолжение в современной форме научных традиций, ставших источником общечеловеческого прогресса определяют актуальность темы.

Сегодняшние изменения, осуществляемые на пути развития нашей духовности, в частности, хранение древних рукописных источников, совершенствование системы их изучения и агитации, непрерывное изучение нашей классической литературы на основе первоисточников, глубокое изучение духовного наследия, восстановление национальных ценностей ставят перед каждым человеком обязанность внести вклад в интересы общества. В эпоху, когда узбекский народ, избрав самостоятельный путь развития, своей богатой историей, несравненным духовным наследием занимает свое достойное место в мировом сообществе, обострилась потребность комплексного изучения литературных источников, хранящихся в рукописных и литографических фондах, в монографическом плане, укрепления практического опыта, обретенного в составлении научно-критического текста, на основе теоретических знаний. В особенности, в этом процессе комплексное исследование произведения «Сабатул ажизин», имеющее достойное место и высоко художественно-духовную ценность в много тысячелетней истории нашей классической литературе, приобретает важное значение.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит для осуществления задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан ПФ-4797 от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени

Алишера Навои», ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях ПК-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», ПК-3271 от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», в докладе «Развитие литературы и искусства и культуры – прочный фундамент повышения духовного мира нашего народа», а также других нормативно-правовых документов в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научно-практические исследования по теоретическим вопросам литературного источниковедения и текстологии, по проблемам жизни и творчества автора, его литературно-просветительских и научно-теоретических воззрений, а также герменевтики текста ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях, в частности, Istanbul Üniversitesi (Турция), University of Washington Press (США), University of Amsterdam (Нидерланды), University of London (Англия), University of Peshavar (Пакистан), Toronto School of Theology (Канада), Институте Востоковедения Академии наук России, Казанском Федеральном университете, Башкирском государственном педагогическом университете (Россия), Казахском национальном университете (Казахстан), Институте истории Азербайджанской национальной академии наук (Азербайджан), Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Государственном музее литературы имени Алишера Навои АН РУз и Самаркандском государственном университете (Узбекистан).

В мировой текстологии и литературном источниковедении, литературное наследие Суфи Аллаяра, в частности, на основе исследований, направленных на изучение текста произведения «Сабатул ажизин» были получены следующий ряд научных результатов: обобщена информация о биографии Суфи Аллаяра, о структуре его произведений, созданы транслитерационные варианты «Сабатул ажизин» на основе рукописных и литографических копий, хранящихся в мировых фондах Istanbul Üniversitesi (Турция), University of Peshavar (Пакистан), Башкирского государственного педагогического университета (Россия); освещены способы восточного

¹ Обзор международных научных исследований по теме диссертации был подготовлен на основе следующих источников: <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <https://www.tst.edu/>, <http://kpfu.ru/>, <https://bspu.ru/>, www.kaznu.kz, www.ivran.ru, <http://elm/az/>, <http://elm/az/>, www.navoiy-uni.uz.

мышления в общечеловеческом интеллекте, в частности, изучение суфизма как учение и философия, основы учения суфизма, причины разветвления суфизма; определены новые теоретико-методологические подходы в вопросах отношения и интерпретации литературных текстов (University of Washington Press (США), University of Amsterdam (Нидерланды), Toronto School of Theology (Канада), Istanbul Üniversitesi (Турция), Казахский национальный университет (Казахстан)); определены преимущества эдиционного метода в изучении классических литературных источников, значение герменевтики в восстановлении достоверного текста, место научных указателей в подготовке научно-критического текста (Институт Востоковедения Академии наук России, Институт истории Азербайджанской национальной академии наук (Азербайджан), Самаркандский государственный университет (Узбекистан)); обосновано, что осуществление исследований, относящихся к классическим литературным источникам, на основе достоверных научно-критических текстов, является фундаментальным исследованием (Istanbul Üniversitesi (Турция), Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Государственный музей литературы имени Алишера Навои АН РУз).

В мировой текстологии и литературном источниковедении, по комплексному изучению определенного литературного источника, ведутся научные исследования по ряду приоритетных направлений, в частности: определение схожих и различающих сторон различных учений суфизма; освещение вопросов, касающихся личности автора и его произведения, в связке с социальными факторами; описание научно-критического текста, определенного литературного источника на основе полного научного указателя.

Степень изученности проблемы. В мировой текстологии и литературном источниковедении научные изыскания, связанные с личностью Суфи Аллаяра и его произведения «Сабатул ажизин», осуществлены в контексте изучения суфийской литературы. Ученые, занимающиеся изучением суфийского учения знают Суфи Аллаяра как представителя суфийской литературы Мавераннахра XVII-XVIII веков. В частности, в исследованиях², касательно произведения «Сабатул ажизин» и его комментариев, в научных статьях³, где изучены суфийские учения и традиции, изложены вышеназванные особенности.

Историю изучения произведения «Сабатул ажизин» условно можно разделить на два периода: первый этап охватывает исследования XIX–XX веков, и современный этап, включает в себя исследования, осуществленные в годы независимости. Исследования первого этапа представлены в виде

²Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе. Автореф дис...канд.филол.наук. –Казань, 2008. –20 с.; Ильясова Г.Р. Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаяра Суфи и«Рисала-и Газиза»Т.Ялсыгулова: Автореф дис...канд.филол.наук. –Уфа, 2009.–22 с.

³Abid Nazar Mahdum. On the sources of Sebätul-äcizin by Sufi Allayar. Türkiyat Mejmuasi, C.21/Güz, 2011; Michael Kemper. Islamic Studies in Honor of Stefan Reichmuth. –University of Amsterdam, 2017.

комментариев к отдельным частям текста «Сабатул ажизин» и полного толкования произведения. В процессе переписывания и распространения рукописных вариантов текста, словарь отдельных слов, иногда комментарии к отдельным бейтам отражались вокруг основного текста. Данное обстоятельство чаще наблюдается в литографических изданиях XIX века. Также, в этот период были опубликованы в виде книг первые полные комментарии «Сабатул ажизин» – «Рисолай Азиза», «Иршадул аьизин» и «Хидаятут талибин». Исследования современного этапа осуществлены в виде публикаций текста на основе рукописных и литографических вариантов с предисловиями различного объёма, комментариев, изучения по направлениям литературоведение, лингвистика, текстология.

В последние годы в этом направлении проделана огромная работа: осуществлена транслитерация оригинала произведения «Сабатул ажизин» и опубликована несколько раз.⁴ Также опубликованы комментарии «Сабатул ажизин» – «Рисолайи Азиза» и «Хидоятут толибин», перевод произведения «Маслакул муттакин», написанный на персидском языке⁵. В литературоведении и языкознании появились несколько исследований, связанных с творчеством Суфи Аллаяра.

Эти работы, независимо от качества их выполнения, дают определенное представление о творчестве Суфи Аллаяра. Однако этого недостаточно для полного осмысления личности автора, его научно-литературного наследия. В работах, посвящённых биографии поэта, бросается в глаза повествование первой попавшей непроверенной, не связанной между собой, разрозненной информации, в основном, основанной на догадках, нежели на последовательности, точности, цельности. В исследованиях его произведений основное внимание ограничено только в рамках нравственно-социальных проблемах. Объективно оценивая осуществленные исследования, посвященные «Сабатул ажизин», можно заключить, что есть необходимость комплексного исследования данной тематики на основе общих правил текстологии и литературного источниковедения, богатого опыта, накопленного в течении веков.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Тема диссертации включена в план научно-исследовательских работ Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои по направлению «Теоретико-практические проблемы истории узбекской классической литературы и текстологии».

⁴Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. / Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид. – Тошкент: Чўлпон, 1991.– Б.127; Сўфи Оллоёр. Сабот ул–ожизин. – Тошкент, Мехнат, 1991. –Б.95; Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. – Тошкент, Санъат журнали нашриёти, 2007. –Б.155.

⁵Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Шарҳи била/ Ту н манзума. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1997. –Б.215; Тожуддин Ёлчиқул. Рисолайи Азиза. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. –Б.255; Сўфи Оллоёр. Маслакул муттакин.– Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. –Б.415; Ҳабибуллоҳ ибн Сайид Яҳёон. Ҳидоят ут-толибин.– Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. –Б.313.

Цель исследования заключается в изучении источников, касательно биографии Суфи Аллаяра, его литературного наследия, в частности, составлении достоверного научно-критического текста «Сабатул ажизин» на основе комплексного анализа научно-художественной ценности и его герменевтики.

Задачи исследования состоят в следующем:

определить степень достоверности источников биографии Суфи Аллаяра и формирования биографических сведений на исторической основе; изучить научно-литературное наследие поэта в системе комплексного и эдиционного исследования;

сравнительно оценить структуру и герменевтику комментариев «Сабатул ажизин» на основе освещения проблем эволюционного развития и традиций комментирования;

создать иерархическую систему реконструкции достоверного текста;

определить условно-хронологическое соотношение рукописей и литографических изданий, используемых в процессе исследования;

создать варианты научно-критического текста произведения на языке-оригинале и в современной графике;

сформировать обобщающие теоретические и практические выводы, касательно совершенного научного аппарата критического текста, оснащённого различными комментированными указателями.

Объектом исследования являются рукописи произведения «Сабатул ажизин», хранящиеся в рукописных фондах нашей страны и за рубежом, комментарии в различных печатных вариантах произведения, а также книги-комментарии.

Предметом исследования является воссоздание биографии Суфи Аллаяра и его произведений, определение герменевтической эволюции «Сабатул ажизин», а также изучение проблем научно-критического текста.

Методы исследования. В ходе диссертационного исследования использованы статистический, историко-сопоставительный методы и метод герменевтического и комплексного анализа.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

определена достоверность источников биографии Суфи Аллаяра и информации, полученной в сборнике «Тухфатул ахбаб»;

в хронологической системе освещено взаимное соотношение количественных и качественных показателей в истории трех векового изучения произведения «Сабатул ажизин»;

биография поэта и его литературное наследие обогатились новой научно-исторической информацией;

определен условный географический рубеж распространения изданий «Сабатул ажизин» от Восточной Европы до Центральной Азии;

освещены исторические корни герменевтики «Сабатул ажизин», связанные с традициями тафсира (комментарии Корана), хадиса (изречения пророка), наукой интерпретации;

